Ассалом, кинофестиваль

Бухорода ўзбек миллий фильмлари республика иккинчи фестивали бошланди.

«Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси ва Ўзбекистон киноарбоблари бирлашмаси ўтган йили Бухорода ўзбек миллий фильмлари фестивалини ўтказганди.

Янги «Бухоро» меҳмонхонаси олдидаги Байрамлар майдонида навбатдаги фестивалнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Улкан саҳнада ўзбек маънавияти сарчашмаларида турган бобокалонларимиз — Имом ал-Бухорий, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд сиймолари намоён бўлади. Салобатли ва кўркам меҳмонхона йўлакларидан фестиваль танлов дастурига киритилган «Отамдан қолган далалар», «Севги», «Воиз», «Ёлғиз-ёдгорим», «Кичкина табиб», «Тилсимой-ғаройиб қизалоқ» фильмларининг ижодкорлари кириб келадилар.

Бухоро вилояти ҳокими С. Ҳусенов, «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси раиси Т. Юнусов, эл севган санъаткорлар З. Муҳаммаджонов, Ё. Аҳмедов ва бошқалар йиғилганларни фестиваль бошланиши билан қизғин қутлади.

Шундан сўнг «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмасига қарашли «Бухорча» ашула ва рақс дастаси, «Афанди шай» қизиқчилар гуруҳи ҳамда Бухоронинг ҳаваскор эстрада артистлари маросим иштирокчиларига кенг дастурда концерт намойиш этишди.

Ўзбекистон мустақиллигининг саккиз йиллигига бағишланган кинофестиваль иштирокчилари олти гуруҳга бўлиниб, туманларга жўнаб кетишди. Ғиждувон, Бухоро, Вобкент, Қоракўл, Шофиркон туманларида бўлган учрашувлардан сўнг ўтган йили суратга олинган фильмлар намойиш қилинди. Тўрт кун давом этадиган санъат кўригида 6 та бадиий, 11 та ҳужжатли, 5 та мультфильм ва кўплаб қисқа метражли фильмлар намойиш этилади.

ЎзА

Пахта очилди

Каттақўрғон туманидаги Э. Қурбонов номли ширкат хўжалигининг Исо Бобоев бошлиқ бригадаси далаларида саратонда пахта очилди. Ҳозир ҳар бир ғўзада 3-5 тадан очилган момиқ пахта бор.

— Чигитни плёнка остида март ойининг охирларида экканди-к. Баҳор салқин келди. Шунга қарамай ғўзанинг ривожи кўнгилдагидек бўлди, — дейди бригадир. — Ғўзаларга агротехника қоидалари асосида пухта ишлов бердик. Вақтида суғордик, вақтида культивация қилдик ва меъёрида ўғит бердик. Натижа ёмон эмас. Пахта қийғос очила бошлади. Ҳар гектар ердан 55-60 центнердан ҳосил олишни мўлжаллаяпмиз. Режани мустақиллигимизнинг 8 йиллиги байрами арафасида уддалаб, буюк ва суюкли байрамимизга совға тайёрлаймиз.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 7 август, шанба • № 91 (24.486).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ 1999 йилда республикамизда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими учун илк бор янги қурилиш ва тубдан реконструкция қилиш ҳисобига топширилаётган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини сифатли қабул қилиш ҳамда 1999/2000 ўқув йилигача тантанали очиш мақсадида:

1. Ишга киритилаётган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини қабул қилиш Давлат комиссияси тасдиқлансин.

2. Давлат комиссияси жойлардаги ишчи комиссиялар билан бирга:

ўз ишида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қурилиши ва давлат таълим стандартлари даражасида жиҳозланишига тааллуқли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 1 июлдаги топшириқлари баённомасига қатъий амал қилсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан биргаликда янги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини мамлакатимиз ҳудудлари бўйича қабул қилиш аниқ иш режасини бир ҳафта муддат ичида ишлаб чиқсинлар ва ўқув йили бошланишига қадар амалга оширсинлар.

3. Белгилаб қўйилсинки, янги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ишга киритилиши республикамизда босқичма-босқич амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг юксак амалий натижаси бўлиб, уларнинг очилиши мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа сифатида тантанали ўтказилади.

Уларнинг тантанали очилишини ташкил этиш, моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш ҳамда тарғиб қилиш мақсадида махсус Гуруҳ тузилсин ва унинг таркиби тасдиқлансин.

Мазкур Гуруҳ, ҳудудлар раҳбарлари билан биргаликда, жойларда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини тантанали очсинлар ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълим турининг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчилик, айниқса, педагоглар ва ўқувчи ёшлар ўртасида атрофлича тушунтириш ва тарғиб қилишни таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Маданият ишлари вазирликлари манфаатдор идора ва ташкилотлар билан биргаликда 1999/2000 ўқув йилигача янги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини меъёрий ва ўқув-услубий ҳужжатлар, дарсликлар ҳамда малакали педагогик кадрлар билан таъминласинлар.

5. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 1999 йилда очилган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг махсус жиҳозланган ўқув хона ва лабораторияларида ўқув жараёнини сифатли ташкил этиш, мавжуд техник воситалардан самарали фойдаланиш, педагоглар ва ёрдамчи-техник ходимларни олдиндан мақсадли тайёрлаш учун 10 кун муддат ичида юқори малакали, тажрибали педагог ва мутахассислардан иборат махсус ишчи гуруҳларни тузсин ҳамда уларнинг фаолиятини жойларда ташкил этсин.

6. Янги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини қабул қилиш жараёни ҳамда уларни тантанали очиш маросимлари оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб борилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 6 август

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Таълимни такомиллаштиришда янги босқич

Мамлакатимизда барпо этилаётган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, шубҳасиз, юртимизда етишиб чиқаётган ёш кадрларнинг янада билимдон ва малакали, касб салоҳияти юқори бўлишини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Бу борада ана шу таълим муассасаларини замонавий услубда жиҳозлаш ва уларни тажрибали ўқитувчилар билан таъминлаш катта аҳамиятга эга. Айни вақтда бу йўналишда республикамизда кенг кўламдаги ишлар бошлаб юборилди.

Куни кеча давлатимиз раҳбари Ислом Каримов пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази томонидан ташкил этилган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини жиҳозлаш учун режалаштирилган намунали ўқув хоналар кўргазмаси билан танишуви чоғида кенг миқёсда олиб борилаётган бу ишларнинг мамлакатимиз келажаги бўлган ҳар томонлама етук авлодни вояга етказишда ғоят беқиёс аҳамиятга эга эканлигига яна бир бор эътиборни жалб этди.

Тошкент шаҳридаги барча олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда тегишли муассасалар раҳбарлари, ўқитувчи-профессорлари юртбошимизнинг кўрсатмаларидан келиб чиққан ҳолда «Ўзэкспомарказ»да намунали кўргазма сифатида ташкил этилган замонавий таълим синфхоналарининг ихтисослашуви, жиҳозланиши ва техник жараёнларда ўқитиш-ўқиш дастурларидан қандай фойдаланиш зарурлиги билан танишдилар. Шу билан бирга, ўзлари етакчилик қилаётган илм даргоҳларида шу сингари ихтисослашган ўқув хоналари ташкил этиш, ўқиш-ўқитиш тизимини янада яхшилаш, етук мутахассислар тайёрлаш юзасидан фикрлашдилар, бу борадаги амалий чора-тадбирларни биргаликда ишлаб чиқиш тўғрисида келишиб олдилар.

Шуни айтиш керакки, кўргазмадан касбга оид тўққиз йўналишдаги фан бўйича ўқув-тажриба синфлари, информатика, телерадиомарказ, автомобиллар тузилиши, хориж тиллари, физика, биология-анатомия ўқитиш хоналари, лабораториялар, устахона ва тикув-бичув хонаси ўрин олган. Мебеллар, кўргазмали куроллар, ўқувчилар учун махсус кийим-кечак, айрим аппаратлар мамлакатимизнинг саноат корхоналарида тайёрланган. Айни вақтда замонавий техник мослама ва компьютерлар Жанубий Корея ва Германиянинг етакчи фирмаларида ишлаб чиқарилган. Бу эса хорижликларнинг техник ўқитиш кўникмаларини умумийлаштиришга, таълим тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, ёш кадрларнинг ҳар томонлама баркамол ўсиб-улғайишига хизмат қилади.

Мутахассислар бу ердаги синфхоналарни нафақат янги қурилаётган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида, балки олий ва ўрта махсус таълим тизимининг барча ўқув даргоҳларида кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ эканлигини эътироф этишди.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Хўжаобод ер ости газ омборини қуриш ва ишга туширишда алоҳида ўрнак кўрсатган ишчи, хизматчилардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини юксалтириш, республикамизнинг газ саноатини ривожлантириш ва халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга қўшган салмоқли ҳиссаси ҳамда Хўжаобод ер ости газ омборини қуриш ва ишга туширишдаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Позилов Ҳакимжон Андижон вилояти «Қуйма уй-жой қурилиш» акционерлик жамиятининг гишт терувчиси

Ҳамроев Эргаш Камолович «Бухорогазсаноатқурилиш» очиқ турдаги акционерлик жамиятининг қурилиш участкаси бошлиғи

Тинчурин Марс Загидуллович «Газэнергосервис» очиқ турдаги акционерлик жамиятининг чилангари

«Дўстлик» ордени билан

Илларионов Анатолий Сергеевич «Газэнергосервис» очиқ турдаги акционерлик жамиятининг чилангари

Пак Александр Валентинович «Муборакнефтгазмонтаж» очиқ турдаги акционерлик жамиятининг техник бўлими бошлиғи

Шербаков Анатолий Кирилович «Бухорогазсаноатқурилиш» очиқ турдаги акционерлик жамиятининг ҳайдовчиси

«Шуҳрат» медали билан

Абдуллаев Мухтор Бобоқулович «Муборакнефтгазмонтаж» очиқ турдаги акционерлик жамиятининг ҳайдовчиси

Абидов Асрор Аббосович «Ўзбекнефтегаз» Миллий холдинг компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари

Беляев Валерий Сергеевич Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги монтаж бошқармасининг назорат-ўлчов асбоблари бўйича электр монтажчиси

Калугин Юрий Геннадьевич «Ўзтрансгаз» акционерлик компаниясининг компрессор станциялари ва электр ускуналаридан фойдаланиш бўйича бош мутахассиси

Канцеров Марат Ахмедович «Газэнергосервис» очиқ турдаги акционерлик жамиятининг чилангари

Мўминов Абдусалом Исмоилович «Андижонмахсусқурилиш» акционерлик жамиятининг ҳайдовчиси

Тўйчиев Мактубжон «Андижон ихтисослашган механизация бошқармаси» очиқ турдаги акционерлик жамиятининг бульдозерчиси

Қамбаров Музаффар Амонович «Муборакнефтегазмонтаж» очиқ турдаги акционерлик жамияти 5-вакиллиги директори

Ғафуров Аҳмаджон «Мингбулоқнефть» корхонасининг парма ловчиси

ва қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими»

Беспартачний Юрий Григорьевич «Электросредазналадка» жамоа корхонасининг бош директори

Хафизов Роберт Габдрахманович «Газэнергосервис» очиқ турдаги акционерлик жамияти бошқаруви раиси

ҳамда қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:

Абдурахмонов Баходир Рўзиевич «Электросредазналадка» жамоа корхонасининг муҳандис-созловчиси

Вахидов Ринат Зуфарович «Муборакнефтгазмонтаж» очиқ турдаги акционерлик жамиятининг электр пайвандловчиси

Егоров Вадим Анатольевич «Бухорогазсаноатқурилиш» очиқ турдаги акционерлик жамиятининг 7-вакиллиги бош муҳандиси

Иброҳимов Нозим Абдураимович «Бухорогазсаноатқурилиш» очиқ турдаги акционерлик жамиятининг электр пайвандловчиси

Мамадалиев Равшанбек Маматқодирович «Ўзташкинефтгаз» ташқи иқтисодий алоқалар бирлашмаси бош директорининг ўринбосари — Хўжаобод ер ости газ омбори қурилиши лойиҳаси директори

Маматқулов Раимжон «Тошнефтгазқурилиш» очиқ турдаги акционерлик жамиятининг «Ер қазувчи» шўъба хўжалиги экскаватор-машинисти

Норқулов Собиржон Тошниёзович «Муборакнефтгазмонтаж» очиқ турдаги акционерлик жамиятининг электр пайвандловчиси

Толкушин Геннадий Федорович «ЎзНИПИнефтгаз» очиқ турдаги акционерлик жамиятининг ер ости газ омбори лабораторияси мудири

Эргашев Абдусалом Каримович «Андижонвилоятқурилиш» акционерлик жамиятининг электр пайвандловчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 6 август

Хорижликлардан камимиз йўқ!

Бу шунчаки мақтаниш эмас, айни ҳақиқат

Истиқлол туғини кўтарганимизга ҳам саккиз йил бўляпти. У бизга нима берди? Бу саволга бугун бухороликлар жўшиб жавоб берадилар: эркин фикр, меҳнат, яхши ҳаёт! Бу ҳақиқатни ҳамма билади ва тан олади. Энди ўчоғида тезак тутамайди деҳқоннинг уйи чалдевор эмас. Ўзи илгариги замон одами эмас, ҳаммага ҳам қуллуқ қилавермайди, оғзидаги нонни бегонага бермайди. Энг асосийси — ёлғонни ёқтирмайди, яшашдан мақсади нелигини билади. Қуйида ана шундай қишлоқ фидойиларидан бири ҳақида ҳикоя қиламиз.

Тоҳир акани Бухоро туманида танимайдиган киши йўқ. Сувратини чизиб берсангиз бас, бегона ҳам у ҳақида эшитганини эслайди. Узун бўйли, қорачадан келган, йиллар шамоли пешонасида ўз изини қолдирган бу инсон қизил империянинг азобини тортган, тортганда ҳам ўз сўзида устувор туриб, ўзбек шаънини ҳимоя қилганлардан бири.

Асли касби ўқитувчи бўлган Тоҳир Элназаров тумандаги «Маданият» жамоа хўжалигини салкам ўн етти йил бошқарди. Ўзгаларга ўхшаб ўзини ўйламади, хўжаликни машъал даражасига кўтарди. Ўзига уй қурмади, қишлоқларни қайта қурди. Машина олмади, далада колхозчига осон бўлсин, деб трактор сотиб олиш пайида бўлди. Кайф-сафодан йироқ юрди, ёш авлод тарбиясини ундан афзал кўрди: боғча, мактаблар бунёд этди. Дастурхон тўкин бўлсин учун сархил мевали боғлар яратди, узумзорлар барпо этди. Хуллас, хўжалик донги узоқ-узоқларга кетди. Аммо бошланган «пахта иши» унинг шаштини сусайтирди.

— Истибдод даврида чўнтакда турадиган қизил билет одам тақдирини ҳал қилганини ҳаммамиз биламиз,— дейди у.— Ҳар нарсадан ҳадиксирардик, фикримиз тушовланган, билганимиз қора меҳнат эди. Нени сараланган сафдошларимиз «ўзбеклар иши»нинг қурбони бўлдилар. Президентимизга раҳмат, жасорат кўрсатиб ўзбеклар номини жойига қўйди.

Тоҳир ака хўжаликда пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини ошириш имкониятларини асослаб берган ва амалда энг юқори ҳосил етиштиргани учун ҳам КГБ сўроқхоналарида узоқ вақт саргардон бўлди. Уни аврашди, алдашди — пора бергинман денг деб. Ҳеч бўлмаганда, вилоят партия қўмитаси биринчи котибига 300 сўм бердим, деб ёзиб беринг дея ниқташди. Тоҳир ака виждонига қарши бормади: ҳеч кимга пора берганим йўқ, дея ҳамиша мағрур тураверди. Ўшанда ҳам орамиздаги айрим иймони сустлар борлигидан ҳазар қилди. Юзлаштиришларда уларнинг аниқ башараларини очиб ташлади: ювиндихўрлар, худодан тэпасизлар! Айтгани бўлди. Уларнинг кўплари ҳурлик замонни кўролмай, оламдан ўтдилар. Ҳа, улуғларнинг номларини сотганлар қисмати азалдан ҳам шундай бўлган.

Отахон баъзан ўйга толади: умрининг қарийб 40 йилини колхозга ado қилган кишига шунча хусумат қаердан келди? Нега тинч ишлашга қўйишмайди? Қизиқ, раисликни топширгандан кейин ҳам кавла-кавла! Икки йил судбозлик, ёғочни қаердан олдинг, нега нархини аниқламай, текинга колхозчига бердинг? Барибир айблашолмади, тўғриси бўҳтонни эплашолмади.

Истиқлол ва одамлар

Элназаров элдан чиқмади, раисликни шогирдига топширди, унга йўл кўрсатди. Хўжалик издан чиқмасин дедида. Ҳа, ҳозир ҳам хўжалик ўша шуҳратида. Баъзан отахон туман маркази — Галаосиёга йўл олмоқчи бўлса, ўзи бунёд этган кенг кўчаларга тўйиб-тўйиб боқади: ўртаси арчазор, атрофда ҳар хил мевали боғлар. Ҳосили кўплигидан шохи эгилган. Эсига қизиқ воқеалар келади...

— Бизнинг хўжалик туристик схемага киргани учун хориждан меҳмон кутардик, — дейди отахон, — Англиядан келганлар орасида бир ёш олима қиз бўларди. У колхозда қолиб, ишлашга қарор қилса бўладими. Афсуски унинг нияти рўёбга чиқмади: унга Москва рухсат бермади...

Мана, бугун ҳам шу равон йўлдан туманга боряпти. Ўғли машина бошқаряпти. Отахон хаёллар оғушида: «Нега ҳоким йўқлаб қолди?» Ҳа, туман ҳокими Негмурод Пўлатовни отахон яхши биларди, кўз ўнгида вояга етган, ишчан, камтар. Раҳматли отаси билан бирга ишлашган. Негмуроддан кўнгли шу боис тўлади. У поғонама-поғона ўсиб келяпти. Раис бўлди, ҳоким муовини вазифасида ишлади. Бугун эса туман раҳбари. Ёрдам бериш керак.

— Сизни йўқлашимнинг боиси бор, — дея сўзини бошлади ҳоким. — Ҳамма фермерларни йиғганмиз, келишиб, маслаҳатлашиб оладиган юмушларимиз бор.

Дарвоқе, Тоҳир ака 1994 йилдан буён фермер. Тажриба ўрганиш учун 1997 йилда Грецияга, 1998 йилда эса Голландияга бориб келди. Хорижликлардан кўп нарсани ўрганиб қайтди. Ҳозир тасарруфида 16 гектар ери бор. Бултур 2 гектар пахтадан 72 центнердан ҳосил кўтарди. Бу йил дон мўл бўлди. 38 тонна дон йиғиштириб олди. Шундан 10 тоннасини аъзоларга улашди. «Мурувват» уйига 700 килограмм дон берди. Ўзида эса 10 тонна қолди. Қолганини давлатга сотди. Бултур ҳаммаси бўлиб 3,5 миллион сўм даромад қилган хўжалик бу йил уни икки ҳиссага оширмоқчи. Иссиқхона, салқин ичимликлар цехи, чоғроқ гишт заводи, лимонарий ташкил қилган отахон ҳеч нарсага зориқмайди. Ҳаммаси бўлиб 21 нафар аъзоси бор. Ўзи, хотини, икки ўғли, келини ҳам далада ишлайди. Катта ўғли Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат институтини битирган. Ҳамма техника унинг измида. Иккинчи ўғли ва келини Бухоро тиббиёт институтида таҳсил кўришади. Бўш вақтини улар фермер хўжалигида ўтказадилар.

Элназаров туман фермерлари муаммоларини яхши билгани учун ҳоким олдига айрим таклифларни қўйди: уларга кўпроқ ер бериш керак. Ўзингиз ўйлаб кўринг, битта трактор икки гектар ерда ишласа самараси қандай? 10 гектарда-чи? Айрим фермерлар 2 гектар ерга қаноат қилиб келишганичи? Уларга кенг имкониятлар очиб бериш лозим. Ҳа, ҳозир вилоятда Тоҳир акага ўхшаган фермерлар бармоқ билан санарли. Чунки, уларга ғамхўрлик етарли эмас. Туманда ҳам аҳвол шу! Ҳоким ҳам, фермерлар ҳам ўшанда бир тўхтамга келдилар: ер берамиз, самарасини кўрайлик! Ахир, хорижликлардан қаеримиз кам? Исроилда пахтадан бир теришдаёқ 70 центнер ҳосил олинганда, бизда бўлмайдими? Бўлади. Фақат эътибор, меҳнат зарур! Шунда фермер сал ўкиниб қўяди: «Айримларимиз ишёқмасроқмизда. Шартнома тузишни билмаймиз. Ҳақимизни ўз вақтида шу боис ололмаймиз. Фермерлик ривожланса, колхозга не ҳожат. Унга муте бўлсанг, тамом — ишинг ўнгидан келмайди».

Биз яқинда туман ҳокимининг муовини Садриддин Шаропов ҳамроҳлигида фермерни излаб «Маданият» жамоа хўжалигида бўлдик. Ҳақиқатан ҳам хўжаликка унинг катта меҳнати сингган. Кўриб ҳавасинг келади, қишлоқ эмас — худди жаннатнинг ўзи. Тик пешин бўлса ҳам фермерлар хўжалигида иш қизғин. Помидор ғарқ пишган, уни саранжомлаш керак. Салқин ичимликка буюртма кўп, тайёрлаб бериш даркор. Бир ёнда ғўза шохлари салламно, эртаиндин ҳосил торозига тушади. Булар ҳаммаси — юрт фидойиси Тоҳир Элназаровнинг одатий юмушлари.

Узоқдан енгил машина кўринди. Унда Элназаров келяпти — элга тўкинлик яратаман, деган инсон. Ҳақиқатнинг баридан мудом тутган ва мустақиллик мевасидан баҳраманд бўлиш бахтига эга бўлган Тоҳир акалар мудом омон бўлсин!

Норбобо ШАКАРОВ, Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбирлари

Ўзбекистон ХДП ҳаётидан

Ҳамкорлик: ирмоқлардан дарёлар

Газетамиз саҳифаларида Ўзбекистон Халқ демократик партияси кўпқирали фаолиятининг устувор йўналишлари — мафкуравий, оммавий-сиёсий ишлар, парламентчилик, партия қурилиши каби соҳалари, тўғрисидаги мақолаларни эълон қилган эдик. Бугунги сонда унинг мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган жамоат ташкилотлари ва хорижий сиёсий партиялар, халқаро ташкилотлар билан алоқалари ҳамда ҳамкорлиги ҳақида ҳикоя қиламиз.

Ҳаёт тақозоси

Ҳуқуқий демократик давлатни бунёд этиш йўлидан бораётган мамлакатимизда фуқароларнинг нодавлат нотижорат ташкилотларига уюшиб, жамиятни бошқаришда қатнашиш жараёнлари тобора кучаймоқда. Бунинг учун республикамизда жаҳон андозаларига тўла жавоб берувчи, Ўзбекистон Конституцияси, Фуқаролик кодекси, Сиёсий партиялар, Нодавлат нотижорат ташкилотлари, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги каби, кўплаб қонунлардан иборат, мустаҳкам ҳуқуқий замин мавжуд.

Республика ҳукумати нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, рағбатлантириб келмоқда, улар учун зарур шарт-шароитларни яратмоқда. Натижада, ҳозирги кунга келиб, Ўзбекистонда 2300 та жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотлар ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида фаолият кўрсатмоқдалар. Мамлакатимизда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошган сари уларнинг сонини кўпайиб бориши табиий.

Шу билан бирга, Республикамиз Президенти И. А. Каримов кейинги пайтларда, хусусан Олий Мажлис XIV сессиясида қилган дастурий маърузасида ҳамда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига қилган сўнгги сафари чоғидаги суҳбатларида, партиялар, жамоат ташкилотларини ривожлантириш, уларнинг жамиятимиз иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётида ўз ўринларини топа олишларига эришиш, жамоатчиликнинг давлат ҳокимияти идоралари тизими устидан назоратини ўрнатиш — мамлакатимизда қарор топаётган демократик тартиботларнинг ўзаги эканлигини қайта-қайта уқдирдики, бу — ушбу соҳада олдимизда ҳали ўта масъулиятли вазифалар турганлигидан далолатдир.

Нодавлат ташкилотлар, жумладан, сиёсий партиялар сонининг юртимизда кўпайиб бораётганлиги, жамиятда фикрлар ва сиёсий қарашлар хилма-хиллигини ифода этиши билан бир қаторда, улар ўртасида мусобақа ва рақобат кучайишини тақозо этади. Бу ҳол сиёсий партияларга кўпроқ тааллуқли, чунки, айни улар, ҳокимиятга эришиш мақсадида, айниқса сайловлар арафасида фуқаролар овозлари учун муросасиз кураш олиб борадилар. Албатта, бунга улар ойлар ва йиллар давомида тайёргарлик кўрадилар, ўз сафларини кенгайтириш ва тарафдорларини кўпайтиришга ҳаракат қиладилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ушбу қоидадан мустасно эмас. Партиямизнинг дастурий мақсадларига қўшилган ва унинг Низоми талабларини қабул қилган муносиб фуқаролар ҳисобига сафларини кенгайтириш, унга хайрихоҳ кишиларни ўз атрофида тўплаш ташкилотларимиз фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Марказий Кенгаш XIX пленумининг қарорига мувофиқ, партиянинг бошланғич ва маҳаллий тузилмаларида, шу йилнинг апрель-июль ойларида, ўтказилган ҳисобот-сайловлар натижаси ярим миллион нафардан зиёд ватандошларимизни бирлаштирган Ўзбекистон ХДПнинг мамлакатимиздаги нуфузли сиёсий кучлардан бирига айланганлигини намойиш этди.

Бундай куч ҳар қандай мураккаб вазифани ўринлашга қодир. Бироқ, ижтимоий ранг-баранглик ва ҳаракатлар хилма-хиллигига асосланган демократик жамиятда кўпчиликни ўз атрофида тўпламоқчи, ортидан эргаштирмоқчи бўлган ҳар қандай жиддий сиёсий куч озод Ватанни обод, ватандошларни саодатли қилишдек, улуғ мақсад йўлида, фуқароларнинг турли тоифаларини бирлаштирган жамоат ташкилотларига, истаса-истамаса, таянмоғи, улар билан ҳамкорлик қилиши шарт. Соғлом сиёсий рақобат муҳити ушбу заруратни янада кучайтирмоқда.

Албатта, ҳеч бир ҳамкорлик партиямизнинг ўз ғоялари ва муддаосидан чекиниши асноларида, яъни ғаразли мақсадларда, бўлиши мутлақо мумкин эмас. Унинг Низомида қуйидаги талаб аниқ-равшан ёзиб қўйилган: «**Ўзбекистон Халқ демократик партияси демократия ва ижтимоий адолат нуқтаи назарига амал қилувчи, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида, унинг доирасида ҳаракат қилувчи ижтимоий кучлар билан ҳамкорлик қилади. У касаба уюшмалари, хотин-қизлар, фахрийлар ва бошқа оммавий ҳаракатлар билан муносабатларини сиёсий ҳамкорлик, шериклик, ўзгача нуқтаи назарни ҳурмат қилиш негизида қуради**».

Ортда қолган йиллар мобайнида партиямиз ушбу жабҳада қатор ишларни амалга оширди, муайян тажриба орттирди.

Одамларга ҳамдард, ҳамнафас

Партиямизнинг турли жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигининг асосий йўналишларидан бири — аҳолининг ижтимоий муҳтож гуруҳларини ҳимоялашдир. Давлатимизнинг аниқ йўналтирилган ижтимоий муҳофаза сиёсатини изчил юритаётганини ҳар бир оила, ҳар бир фуқаро ўзида сезмоқда, ундан баҳраманд бўлмоқда. Оммавий ишсизликнинг олдини олиш мақсадида ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш, янги иш жойларини яратиш, кўп болали оилаларнинг бошланғич синфларда ўқийдиган ўғил-қизларига бепул дарсликлар, ўқув қуроллари ва кийим-кечак тарқатиш, маошлар, пенсия, нафақа ва стипендияларни, нарх-навонинг ўсишига қараб, индексациялаш, ногиронлар, қаровчисиз қолган қариялар ва фахрийларга имтиёзлар бериш борасидаги Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари борлиги ҳамда уларнинг амалга оширилишини барча билади. Аммо, бозор муносабатларига ўтиш қийин кечаётгани, ҳамма ҳам янги шарт-шароитларга осонликча мослаша олмаётгани, айримларнинг иқтисодий жиҳатдан қийналиб қолаётгани ҳам сир эмас. Шундай пайтларда томошабин бўлиб қолмай, кишиларнинг дардини билиш, оғирини енгил қилишга кўмаклашиш ҳам қарз, ҳам фарздир.

ХДП ташкилотлари ушбу масаланинг нақадар муҳим ва, шу билан бирга, қанчалик мураккаб эканлигини, шунингдек, уни амалий жиҳатдан ечиш учун уларнинг ўзларида зарур моддий-молиявий имкониятлар етарли эмаслигини инобатга олиб, бу хайрли ишга маҳаллий маъмурият ҳамда бошқа жамоат бирлашмаларини жалб қилмоқдалар. **Авваламбор**, улар давлатимизнинг шу соҳага оид қонунлари, Президент фармонлари ва ҳукуматимиз қарорларининг мазмун-моҳиятини фуқароларга тезкорлик билан етказиш, тушунтириш ишларида фаол қатнашмоқдалар. Бу ишда партиямизнинг барча тузилмалари ва матбуоти бевосита иштирок этмоқдалар, десак хато бўлмас.

Иккинчидан, кўпгина ХДП ташкилотлари (Қашқадарё, Хоразм, Тошкент вилояти ва бошқалар) қонун ва фармонларнинг жойларда бажарилишини жамоатчилик томонидан назорат қилишнинг иштирокчилари ва ташаббускорлари бўлмоқдалар.

Учинчидан, улар, корхона ва хўжаликларнинг маъмурияти, саховатли тадбиркорлар, касаба уюшмалари, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармаларининг жойлардаги бўлинмалари билан ҳамкорликда, етим-есирлар, камқувват оилалар, ногиронлар ва ёлғиз қарияларга қўшимча моддий ва тиббий ёрдам кўрсатишга ҳисса қўшмоқдалар. Мисол учун: ЎзХДПнинг Бухоро вилоят кенгаши, «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти маъмурияти ва бошланғич партия ташкилоти билан биргаликда, Тошкентдаги 21-меҳрибонлик уйини оталиққа олиб, унинг тарбияланувчиларини кийим-кечак билан таъминламоқдалар, байрамларда болалар учун дастурхон ёзиб, уларга совғалар улашмоқдалар.

Андижон шаҳар партия кенгаши, «Тожметал» ҳиссадорлик жамияти маъмурияти ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда, 2 та меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини Халқаро болалар кунига ўйинчоқлар, кийим-кечак ва эсдалик совғалари билан сийлашни уюштирди.

Фарғона вилояти партия кенгаши, касаба уюшмалари билан биргаликда, 500 га яқин болани ёзги дам олиш масканларида соғломлаштиришни ташкил этишда фаол иштирок этди, шунингдек, шаҳардаги «Шодлик» гимназияси ўқувчиларини теннис ракеткалари билан таъминлашга ёрдам берди. Фарғона шаҳар партия ташкилоти, «Фарғонанон» ва «Азот» ҳиссадорлик жамиятлари маъмурияти, бошланғич партия ташкилотлари ҳамда касаба уюшмалари қўмиталари билан биргалашиб, қатор болалар оромгоҳларига айрим турдаги озиқ-овқатларни етказиб беришни йўлга қўйди. Шу ташкилотимиз ва маҳаллий «Нуроний» жамғармасининг саъй-ҳаракатлари билан 200дан ортиқ уруш қатнашчиси Қувасойдаги «Арсиф» шифохонасида дам олди.

Қашқадарё вилоят партия кенгаши ва вилоятдаги «Нуроний» ҳамда «Маҳалла» жамғармалари ўз имкониятларини бирлаштириб, кам таъминланган оилаларга 100 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатдилар. Бундай мисолларнинг саноғи йўқ. Партиямизнинг барча ташкилотлари шундай савобли ишлар билан мунтазам шуғулланиб, мададталаб кишиларнинг миннатдорчилигига сазовор бўлмоқдалар. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман партия кенгаши «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Қизил ярим ой» жамияти, «Камолот» жамғармаси туман тузилмалари ва «Жанггоҳ» кафеси маъмуриятининг бошини қовуштириб, улар ёрдамида, Халқаро болалар кунида 100 та етим ва кам таъминланган оилаларнинг болалари учун байрамона дастурхон ҳамда совғалар ташкил этди. ХДП маҳаллий ташкилотлари ташаббуси билан ёки уларнинг фаол иштирокидаги бундай савоб ишлар мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида уюштирилмоқда десак, асло муболаға бўлмайди.

Ҳамкорликнинг муҳим соҳаси

Ўзбекистон Халқ демократик партияси маънавият масалаларига жиддий эътибор бериб келмоқда. Бунинг боиси шуки, **бир томондан**, мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маънавий ислоҳотларнинг уйғун олиб борилиши бу ишда барча нодавлат ташкилотларнинг иштирокини тақозо этса, **иккинчи томондан**, фуқароларнинг маънавиятини юксалтириш тўғрисидаги тақдиршумул қоида ХДП аъзоларига ҳам тааллуқлидир. Шундан келиб чиқиб, партиямиз нафақат маънавият масалалари билан ўз ички ҳаёти доирасида мунтазам шуғулланмоқда, балки, бу жабҳада давлат муассасалари, ўқув юртлари, жамоат ташкилотлари билан кўп қиррали ҳамкорлик ҳам қилмоқда. Тушунарлики, маънавият масалалари билан бевосита шуғулланишга даъват этилган мутасадди идора ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, ушбу соҳадаги саъй-ҳаракатларда куч ва имкониятларни бирлаштиришнинг аҳамияти катта. Зотан, бу ишда ҳеч қандай тўсиқ бўлиши мумкин эмас. Зеро, ундан кўзланаётган мақсад бир.

Маънавият борасидаги ҳамкорлигимизнинг **биринчи, анъанавий йўналиши** — тарғибот-ташвиқот ишларидир. Ташкилотларимиз, тарғибот гуруҳлари, даврий матбуот нашрлари, маҳаллий радио ва телевидение, ўз ихтиёрларидаги бошқа воситалар орқали, фақатгина ХДПнинг дастурий ғояларини эмас, балки, Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов бошчилигидаги республикамиз ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсати, амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг моҳият ва аҳамиятини фуқароларга тушунтиришни, миллий ва умуминсоний қадриятларни, бошқа жамоат бирлашмалари билан биргаликда, ўзларининг муҳим вазифалари, деб билиб, уни бажариш учун турли усул ва воситалардан фойдаланмоқдалар.

Чунончи, Қашқадарёда, ХДП маҳаллий кенгашлари, ҳокимликлар ва бошқа ташкилотлар иштирокида, меҳнат жамоалари, ўқув юртлари ва аҳоли истиқомат жойларида маънавият кунларини мунтазам ўтказиш яхши анъанага айланди. Давлат ва бошқарув идоралари масъул ходимлари, корхона, хўжалик ва ташкилотлар раҳбарлари, олимлар, мутахассислар, партия фаоллари билан учрашувларда аҳоли турли табақаларининг вакиллари қатнашмоқдалар. Эътиборли жойи шуки, фуқаролар уларда мазмунли маъруза, мароқли суҳбатлардан руҳий озуқа олиш билан бирга, ўзларининг кўплаб саволларига жавоб олмоқдалар, долзарб муаммолар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирмоқдалар.

Сирдарё вилоят партия кенгаши аҳоли вакиллари билан мунтазам учрашувларни ўз ҳузурида, кўп йиллардан бери фаолият кўрсатаётган сиёсий клубнинг кўчма машғулотлари тариқасида, ўтказмоқда. Одатда, ойда бир марта ўтадиган навбатдаги машғулотнинг мавзуси, иштирокчиларнинг таркиби, ўтказиладиган жой ва санаси газеталарда эълон қилинади. Бу, тадбирга яхшилаб тайёргарлик кўриш билан бир қаторда, унга кўпроқ кишиларни жалб қилиш имкониятини беради. Мавзуга қараб, машғулотларга идоралар ва ташкилотларнинг вакиллари таклиф этилади. Жумладан, уларда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари масъул ходимлари, халқ таълими тизими, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари раҳбарлари, фермерлар, тадбиркорлар, бошқа соҳаларнинг мутасаддилари фуқароларнинг вакиллари билан учрашиб, долзарб муаммолар муҳокамасида иштирок этадилар. Уларда давлат ва бошқарув идоралари ҳамда жамоат бирлашмалари вакиллари ҳам қатнашадилар.

Ўзбекистон ХДПнинг Қорақалпоғистон республикаси ва барча вилоят, шаҳар, туман ташкилотлари, Марказий Кенгашнинг йўл-йўриқ ва услубий кўмагига таяниб, юртбошимизнинг маъруза, мусоҳаба, нутқ ва асарларида, жумладан «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобида, баён этилган қоида ва вазифаларни ҳалққа тушунтириш ишларини уюштиришда давлат идоралари ва жамоат бирлашмаларига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Бухорода бу иш вилоят партия кенгаши ҳузуридаги тарғиботчилар гуруҳининг меҳнат жамоаларидаги чиқишлари, Андижон ва Наманганда илмий-амалий анжуманлар, давра суҳбатлари, савол-жавоб кечалари, Навоий, Сурхондарё, Самарқанд, Тошкент, қатор бошқа вилоятларда учрашув, маъруза ва суҳбатлар, мулоқот кунлари, ахборот ҳафталиги шаклларида ўтказилмоқда. Уларнинг аксарияти ҳокимликлар, жамоат бирлашмалари вакилларининг иштирокида ўтаётир.

Маънавият ишларидаги ҳамкорлигимизнинг **иккинчи йўналиши** — маданий-маърифий тадбирларни ўтказишдир. Унинг шакл ва турлари ҳам ранг-баранг ва турли-тумандир. Айтайлик, 1998 йил Оила йили, жорий йилни эса Аёллар йили, деб эълон қилиниши муносабати билан ташкилотларимиз жойлардаги хотин-қизлар кенгашлари, бошқа жамоат бирлашмалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан биргалашиб, хотин-қизларнинг жамият ва оиладаги ўрни, оила тўғрисидаги қонунларнинг аҳамияти, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда соғлом авлодни вояга етказиш муаммолари хусусида кўплаб қўшма тадбирлар ўтказдилар. Масалан, Бўстонлиқ, Денов, Зарбдор, Каттақўрғон, Нишон, Нурота, Сергили, Сирдарё, Улуғнор, Урганч, Шаҳрисабз, Қамаши, Қарши, Қорақўл, Қува туман, Андижон, Бухоро, Гулистон, Жиззах, Зарафшон, Наманган, Нукус, Самарқанд, Термиз, Урганч, Фарғона, Чирчиқ, Қарши шаҳар партия ташкилотларининг «Оила-давлат таянчи», «Оила ва никоҳ», Оила, ахлоқ ва ҳуқуқ», «Аёл, оила ва жамият», «Ибратли келинчак», «Сиз оила қуришга тайёрмисиз?», «Иболи қиз», «Энг китобхон оила», «Қайин онам-онам менинг», «Оила тинч— олам тинч», «Оилада бола тарбияси», «Энг намунали оила» каби, кўплаб мавзуларда илмий-амалий анжуман, семинар, давра суҳбатлари, кўрик-танловлар ўтказиб, уларга минглаб кишиларни жалб этдилар. Муҳими шуки, ушбу оммавий тадирларни ўтказишда кўплаб оилалар, фаолларнинг ўзлари бевосита иштирок этиб, ташкилотчилик, ташвиқотчилик ва тарбиячилик фаолиятининг юксак намуналарини кўрсатдилар. Масаланинг яна бир диққатга молик жойи шудирки, тадбирлар, асосан, амалий тарзда ўтганлиги туфайли, улар мароқли ва таъсирчан бўлди.

Ташкилотларимизнинг «Маҳалла» хайрия жамғармасининг жойлардаги тузилмалари билан ҳамкорлиги айниқса самарали бўлмоқда. Айни шу ҳамкорлик туфайли республикада, кўп йиллардан бери, «Энг яхши маҳалла» шиори остида кўрик-танлов ўтказилиб, унда шаҳар ва қишлоқларимизнинг аксарияти иштирок этмоқда. Шу баҳонада кўча-ю майдонлар тоза ва ораста бўлаётир, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари кенг кўламларда олиб борилмоқда, ҳашарлар уюштирилмоқда.

Ёшлар тарбияси — умумхалқ иши

Сиёсий рақиблар партиямизни ёшлардан, уларнинг муаммоларидан узоқ ташкилот сифатида тасвирлашга ҳаракат қиладилар. Бу гап, юмшоқ қилиб айтганда, ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз дастурий қоидаларига асосланиб, «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонунни ҳамда республика ҳукуматининг уни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги амалий ишларини қўллаб-қувватламоқда. У ёшларга доир, Марказий Кенгашнинг IX пленумида қабул қилинган, ўз сиёсатига ҳам эгадир. Унга мувофиқ, партия Ватанимиз йигит-қизларини ўз атрофида тўплаш, уларга ғоявий таъсир кўрсатиш ва энг муносибларини сафларига жалб қилиш билан бирга, ёш авлодни миллий истиқлол руҳида тарбиялашдек умумхалқ ишида фаол иштирок этишни ўзининг муқаддас бурчи, деб ҳисоблаб, тегишли ишларни олиб бормоқда. Ҳозирги кунда ЎзХДП барча аъзоларининг қарийб 30 фоизини, унинг сафларига янги қабул қилинаётганларнинг ярмидан кўпини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этяпти. Яқинда партиямизнинг қуйи ва ўрта бўғинларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов мажлислари ва конференцияларида ХДП сафларини ёшлар ҳисобидан мутассил тўлдириб бориш масаласи катта ўрин эгаллади.

Ташкилотимиз партиясиз ёшлар билан ишлашга ҳам тегишли эътибор қаратмоқда. Жумладан, республика ёшлари «Камолот» жамғармасининг оёққа туришига ҳар томонлама кўмаклашилди: унинг маҳаллий тузилмаларига партия кенгашлари биноларидан жой ажратилди, раҳбар кадрларини танлаш ва турли оммавий тадбирларни ўтказишда ёрдам берилди ва ҳакозолар. Натижада, партиямиз ва «Камолот» жамғармаси ўртасида ҳамкорлик йилдан-йилга ривожланмоқда.

Ёшлар муаммоларига бағишланган қўшма пленумлар ўтказилиб, уларда аниқ қарор ва дастурларни қабул қилиш, ёшларни қизиқтирган мавзуларда кечалар, учрашувлар, суҳбатлар, концерт ва спорт мусобақалари, бошқа маданий-маърифий ҳамда кўнгилочар оммавий тадбирларни биргаликда уюштириш яхши анъанага айланди. Биргина мисол келтирамиз. Марказий Кенгашнинг қарори билан ўтган йили Тошкентдаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ва Фарғона шаҳар, Мирзо Улуғбек ҳамда Қибрай туманлари партия кенгашларига ўз ҳудудларида ёшлар клубларини ташкил этиш вазифаси топширилган эди. Ҳозирги кунга келиб, Қибрай тумани партия кенгаши раҳбарлигида Тошкент давлат аграр университетида, Мирзо Улуғбек тумани партия кенгаши саъй-ҳаракатлари билан, «Тошкент трактор заводи» ҳиссадорлик жамияти, Тошкент ирригация институти ва Тошкент технология техникумида ёшлар сиёсий клублари фаолият кўрсатмоқда. «Ёшлар» талабалар шаҳарчаси партия кенгашининг бу борадаги меҳнатлари ҳам зое кетмади: Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университети ва маданият техникумида шундай клублар ташкил этилди. Иккита ёшлар клуби Фарғона шаҳар партия кенгаши ҳамда Қиргули туманидаги 70-сайлов ҳудудий партия ташкилоти ҳузурида фаол ишламоқда. Қатор бошқа шаҳар ва туман партия кенгашлари ҳам ёшлар билан мунтазам ишлайдиган шундай клублар ёки бошқа тузилмалар (семинарлар, мактаблар ва ҳакозолар)га эгадирлар.

Партия кенгашлари жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликда ташкил этган мазкур клублар ишида, ёш ХДП аъзолари билан бир қаторда, кўплаб партиясиз йигит-қизларнинг ҳам иштирок этаётганлиги эътиборга сазовор. Чунки, уларда ёшларни қизиқтирадиган ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, илмий-техникавий ва бошқа мавзуларда олимлар, йирик мутахассислар, турли идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари тингловчилар билан жонли мулоқот қилмоқдалар, улар ёшларга мураккаб саволларга жавоб топишда кўмаклашаяптилар. Фарғона шаҳар партия кенгаши қошидаги ёшлар клубида, «Камолот» жамғармаси билан ҳамкорликда, тикувчилик, авиамоделчилик, кемамоделчилик, рақс, ҳунармандчилик тўгараклари очилган. Тошкентдаги талабалар шаҳарчасида тузилган ёшлар клублари ҳокимлик ва «Камолот» жамғармаси бўлинмаси ёрдамида бадиий ҳаваскорлик дасталарининг чиқишлари ҳамда турли спорт ўйинларини ташкил этмоқдалар.

Партия ташкилотларининг ёшлар ўртасида олиб бораётган ишлари ранг-баранг. Жумладан, ушбу масалага астойдил ёндошаётган Тошкент шаҳар партия кенгаши, тадқиқотлар ва жойларда тўпланган тажриба асосида, ёшлар билан ишлашнинг самарали шакл ва усулларини қўлламоқда. Улар орасида ёшларга мўлжалланган сиёсий ишлар марказлари, ёш партия аъзолари клублари, ёш ўқитувчилар ва мактабгача тарбия муассасалари ходимлари учун доимий ҳаракатдаги семинарлар ва бошқалар бор. Қатор туман партия кенгашлари ташкил этган, «Ўзингни ва дунёни бил» рукнидаги, семинарлар ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Чунки, биринчидан, уларнинг дастурлари тор партиявий мавзулар билан чекланмаётир. Иккинчидан, машғулотларни тайёрлаш ва ўтказишда турли жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳам қатнашмоқдалар.

ХДП Марказий Кенгаши маҳаллий партия ташкилотларининг жамоат бирлашмалари билан самарали ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаш, тўпланган тажрибани кенг ёйиш билан чекланмай, бошқа соҳалардагидек, бу соҳада ҳам уларга ўрнак бўлишга ҳаракат қилмоқда. Чунончи, МК XIX пленумининг турли жамоат бирлашмалари ва оммавий ҳаракатлар билан ҳамкорликни янада кучайтириш тўғрисидаги қарорига жавобан, жорий йилнинг ўзида, Марказий Кенгашда, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида» ва «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаларига бағишлаб ҳамда «Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов Ватанимиз келажаги — ёш авлодни миллий истиқлол руҳи, замон талаблари ва жаҳон илғор тажрибаси асосида тарбиялаш тўғрисида»ги мавзусида «давра суҳбатлари» ўтказди. Уларда, партия фаоллари билан бир қаторда, Олий ва махсус ўрта таълим, Халқ таълими, Меҳнат вазирликлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонунчилик ҳужжатлари мониторинги институти, республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси раҳбарлари ҳам иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Ўз навбатида, Марказий Кенгаш котиблари ва масъул ходимлари Ўзбекистон «Халқ бирлиги» ҳаракати, республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Экосан», «Нуроний» жамғармалари, қатор бошқа жамоат бирлашмалари раҳбар органларининг турли тадбирлари (анжуман, семинар, пленум, учрашувлар)да қатнашиб, муҳокамага қўйилган масалалар юзасидан партиянинг нуқтаи назарини билдирмоқдалар, шерикликка асосланган ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган таклифлар билан чиқмоқдалар.

Тажриба Ўзбекистон ХДПнинг бошқа жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги мақсадли, мунтазам ва режали, демакки, самарали, бўлиши учун, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш лозимлигини тақозо этди. Шуни ҳисобга олиб, партия Марказий Кенгаши ва унинг маҳаллий ташкилотлари билан жамоат бирлашмалари ҳамда оммавий ҳаракатлар ўртасида, 1994 йилнинг декабрида, мамлакатимизда бўлиб ўтган парламент сайловлари олдидан шартномалар тузилди, мажбуриятлар олинди. Сайловларда партиямизнинг жиддий ютуққа эришганига ушбу ҳамкорлик битимларининг ҳам фойдаси бўлганлиги шубҳасиз.

Кейинчалик, бу амалиёт давом эттирилиб, маҳаллий партия ташкилотлари жойларда фаолият кўрсатаётган жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоладилар. Улар асосида муҳим муаммоларга оид дастурлар биргаликда ишлаб чиқилди, умумаҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан қўшма қарорлар қабул қилиниб, уларни рўёбга чиқаришга ҳаракат қилинаётир.

Партиялараро алоқалар ривожланмоқда

Ўзбекистон ХДПнинг бошқа ташкилотлар билан алоқаларида турли сиёсий партиялар билан муносабатлар муҳим ўрин эгаллайди. У мамлакатимиздаги барча сиёсий партия ва ҳаракатлар билан ўзаро тенглик ва манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини ҳеч қачон яширгани йўқ. Шундай ҳамкорлик ХДП билан «Халқ бирлиги» ҳаракати ўртасида мавжуд бўлиб, у ҳар иккала томонга наф келтираётгани ҳам сир эмас. Зарурат туғилганда, шериклик муносабатлари бошқа сиёсий партиялар билан ҳам ўрнатилиши мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон ХДП ўз Низомининг **«партия демократик йўналишдаги партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар билан алоқалар ўрнатади, уларни ривожлантириб боради»,** деган қоидасига амал қилиб, мамлакатимиздаги халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлар ваколатхоналари, бир қатор чет эл сиёсий партиялари билан алоқалар ўрнатди. Ўтган йиллар мобайнида Марказий Кенгашнинг ўзида 100 дан ортиқ чет эллик делегация ва меҳмонлар қабул қилиниб, улар билан фойдали мулоқотлар бўлиб ўтди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Тошкентдаги ваколотхоналари, Европа парламенти, Социалистик Интернационал, ГФРниг Фридрих Эберт ва Конрад Аденауэр номидаги жамғармалари вакиллари, Германия Социал-демократик партияси, Ҳиндистон Миллий конгресси (И), Хитой ва Вьетнамнинг мамлакатни идора этувчи партиялари, қатор бошқа сиёсий ташкилотларнинг делегациялари, Россия, Украина, Польша, Озарбойжон, Ҳиндистон, Покистон, Вьетнам, Италия, Тунис каби ўнлаб давлатларнинг Ўзбекистондаги элчилари, АҚШ Давлат департаментининг МДҲ бўйича бўлими бошлиғи, АҚШ Миллий демократик институти масъул ходимлари, бошқа меҳмонлар билан партиямиз раҳбариятининг учрашув ва музокаралари ўзаро ҳурмат руҳида ўтиб, уларда томонларни қизиқтирган ахборотлар алмашилди, алоқалар ўрнатилди.

Партиямиз вакиллари қатор хорижий мамлакатлар (АҚШ, Ҳиндистон, Германия, Буюк Британия, Бельгия, Хитой, Украина, Қирғизистон, Япония ва бошқалар)да бўлиб, шу мамлакатлардаги сиёсий партиялар фаолияти, улар тўплаган парламентчилик амалиёти билан танишдилар, халқаро ташкилотлар уюштирган сиёсий ва илмий анжуманлар иштирокчилари бўлдилар.

Хуллас, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш йўлида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари ҳамда демократик йўналишдаги хорижий, шу жумладан халқаро, ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Ушбу соҳада орттирган тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бундай ҳамкорлик партиямиз учун ҳам, унинг шериклари учун ҳам ўта зарур. Чунки, озод ва обод Ватанни бунёд этишдек олийжаноб мақсад йўлидаги ҳамкорлик жонажон Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини яқинлаштирувчи кучли омил бўлиб хизмат қилади. Зеро, жилғалар қўшилиб — ирмоқлар, ирмоқлар бирлашиб — қудратли дарё пайдо бўлади.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Ислоҳот ва масъулият

Банк иши фақат ҳисоб-китобми?

Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг муҳим шартларидан бири бозор инфратузилмасини ривожлантириш эканлигини соҳа мутахассислари яхши тушунишади. Банк тизими эса бозор инфратузилмасининг асосий бўғини ҳисобланади.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ярим йиллик якунларига бағишланган йиғилишда сўзлаган маърузасида банклар амалда оддий тўлов операцияларини бажарувчи идорадан ўз маблағларини тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес ривожига инвестиция қилишдан манфаатдор ҳақиқий молиявий муассасага айланиши лозимлигини алоҳида уқтирди.

Биз очиқ бозор иқтисодиёти сари борар эканмиз, бу соҳада жаҳон амалиётида энг эътиборли тажрибаларни ўзлаштиришимиз лозим. Шу маънода ўзимиздаги аҳволни дунёдаги ривожланган мамлакатлар банк тизими билан таққосласак, камчиликларимиз яққол кўриниб қолади. Қизиқ, айрим банк ходимлари кимлардир уларга иши тушганлигидан ғурурланиб юришади. Ахир, шу мижоз борки, банк ишлаб турибди.Замонавий банк ходими имкон қадар субъектлар сони кўпайиши учун курашиши, бунинг учун мижозни кутиши эмас, балки жалб этиши муҳимдир.

Хўжалик субъектларининг молиявий ҳолати мустаҳкамлангани сайин кўзланган мақсадларга эришиш жадаллашиб боради. Бу мақсадга эришиш йўлида банкларнинг ўрни алоҳида. Айтайлик, молиявий ёрдамга муҳтож хўжаликка кредит ажратиш олдидан тақдим этилган ҳужжатлар чуқур таҳлил этилмаса, берилган маблағни ишлатиш устидан мунтазам назорат ўрнатилмаса, қандай қилиб ишда самара бўлиши мумкин?! Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Банк тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Ушбу ҳужжатда мазкур соҳа барқарорлигини ошириш, молиявий ресурсларни сафарбар этиш, иқтисодиётни кредит билан таъминлашда банкларнинг иштирокини кенгайтириш, шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасида рақобат муҳитини ривожлантириш учун нималар қилиш кераклиги аниқ кўрсатиб берилди.

Хўш, ҳукумат қарори қандай бажарилаяпти? Афсуски, ҳамма жойда ҳам бозор талаблари, ислоҳот кўзлаган мақсадлар охиригача англаб етилмаяпти.

Шу маънода мамлакат қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатаётган ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат «Пахтабанк» фаолияти билан қизиқдик.

Агар «Пахтабанк» раҳбарларидан тизимдаги ислоҳотлар ҳақида сўрасангиз, улар ўтган йил мобайнида агросаноат мажмуида фаолият юритаётган хўжалик ва корхоналарга 2 миллиард сўмдан ортиқ кредит ажратишганини тилга олишади. Шундайликка шундайку-я, лекин банкнинг фаолияти муайян маблағни айлантириш ҳисобига кун кечириш билан чегараланмайди-ку!

Ихтисослашган акциядорлик-тижорат «Пахтабанк»нинг вилоят бўлимларида қишлоқ хўжалигига кредитлар бериш ва ҳисобкитобларни такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишганимизда айрим камчилик ва муаммолар кўзга ташланиб қолди. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий аҳволини яхшилашга қаратилган ишлар ҳали кўнгилдагидек эмаслиги яққол кўриниб турибди. Кичик ва ўрта бизнесни, жумладан деҳқон хўжаликларига уруғлик, минерал ўғитлар ва наслли ҳайвонлар сотиб олиш учун кредит маблағлари ажратиш қониқарли эмас. Мижозларга кредитлар беришда ортиқча расмиятчиликларга барҳам берилмаган. Тақдим қилинган ҳужжатларни кўриб чиқишда тўрачилик ҳоллари учраб туради.

Банкнинг айрим вилоят бўлимларида олинган кредитларни тўғри мақсадларда фойдаланиш ва уларни ўз вақтида қайтарилиши устидан етарли назорат ўрнатилмаган.

Масалан, шу йилнинг январида «Пахтабанк»нинг Бухоро бўлими (бошқарувчиси Ю. Йўлдошев) Бухоро туманидаги Ф. Аллаев номли жамоа хўжалигига лизинг йўли билан «Магнум» тракторини сотиб олиш учун 5 миллион сўмлик кредитни «ЎзКейс» агролизинг бирлашмасига ўтказди. Беш ойдан кейин бу пул трактор йўқлиги сабабли (?) яна қайтариб олинди. Ҳолбуки, агролизинг бирлашмаси ва хўжалик ўртасида имзоланган шартномада бажарилиши керак бўлган муддатлар аниқ кўрсатилган эди. Шунча маблағ беш ой ҳаракатсиз турганлиги учун кимдир жавоб бериши керак-ку?! Ахир, «Вақт — бу пул» деган ибора банк соҳасида ишлаётганлар учун бевосита дахлдор эмасми?! Буни қарангки, кредит маблағлари шунча вақт бекор турганлиги учун хўжалик фақат фоиз тўловларидан 460 минг сўм иқтисодий зарар кўрибди. Бу рақамга деҳқонлар учун ўта зарур техниканинг ишлатилмаганидан кўрилган зарарни қўшиб бўлармикан?! Бундай ҳолларга чурқ этмасдан муроса қилиб келаётган раҳбарлар умум ишимизга қанчалик зарар етказаётганликларини ҳис қилишармикан?

«Пахтабанк»нинг Ғиждувон бўлимидаги (бошқарувчиси М. Бекмуродов) Абдуҳолиқ Ғиждувоний номли жамоа хўжалигига шу йил март ойида уруғлик картошка сотиб олиш учун ажратилган 2 миллион сўмлик кредит маблағининг 700 минг сўми уч ойдан сўнг (!) маҳсулот амалда бўлмаганлиги сабабли қайтарилган. Йўқ маҳсулотга пулни уч ойлаб банд қилиш кимга керак бўлди? Агар бу зарар тўғридан-тўғри бировнинг ҳамёнига таъсир қилганида шу ҳол рўй берармиди?

Яна бир ажабланарли ҳол — берилган кредитларга ҳисобланган фоиз тўловларини ундиришдаги лоқайдликдир. Ҳозирги пайтда «Пахтабанк»нинг Бухоро вилоят бошқармасида муддатида тўланмаган кредит фоизлари 20 миллион сўмдан ошиб кетган.

Бошқа бир мисол. «Пахтабанк»нинг амалиёт бўлими «Савдогарбанк» акциядорлик-тижорат банкига 1997 йилнинг 17 июнида 100 миллион сўм миқдорида кредит берган. Уни қайтариш муддати аллақачон — 1998 йилнинг январь ойида тугаган. Аммо ҳанузгача шунча маблағнинг 60 миллион сўми ундирилган эмас. Фоиз тўловларидан олинмаган маблағнинг ўзи 15 миллион сўмдан ошди. Қизиқ, қарз беришдан олдин қарздорнинг тўлов қобилияти ўрганилмайдими? «Савдогарбанк» ҳам кўрпага қараб оёқ узатиши керак эди-ку?! Шунча маблағ тўғридан-тўғри қишлоқ хўжалигига йўналтирилганда қанча самара берарди.

Одатда кредит зарурат юзасидан сўралади, мақсад унинг самарадорлигини ошириб, хўжаликнинг молиявий ҳолатини яхшилашдан иборат. Шундай экан, кредит маблағини аниқ белгиланган мақсад йўлида ишлатилиш масъулияти уни берган томоннинг ҳам, олган томоннинг ҳам зиммасига тушади. Қаранг, ҳар бир сўм ҳисобда бўлиб, ундан оқилона фойдаланиш зарурлиги ҳақида қайта-қайта уқдирилса-ю Андижондаги Ойим ип-йигирув фабрикаси раҳбарлари корхона қурилиши учун олинган кредитнинг 601 минг сўмини уяли телефон харид қилишга ва хизмат ҳақи тўловларига, 1,5 миллион сўмдан зиёдини эса тамомила бошқа мақсадларга ишлатиб юборишса? Қизиқ, «Пахтабанк»нинг Охунбобоев бўлими (бошқарувчиси А. Исроилов) қаёққа қараган экан?! Ахир, бошқа мақсадда ишлатилганда ҳам операциялар банк орқали амалга оширилади-ку?!

Ажратилган кредитга фоиз тўловларини белгилашда бир қатор камчиликларга йўл қўйиляпти. Масалан, «Пахтабанк»нинг Қўрғонтепа бўлими «Дардоқ» савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятига 7 миллион сўм ҳажмида кредит берган. Албатта, бундан банк даромад олиши керак эди. Амалда бундай бўлмаган. Нега? Чунки савдо корхонаси учун белгиланган 36 фоиз устама тўлови олиниши ўрнига қишлоқ хўжалиги корхоналарига бериладиган имтиёз қўллаб юборилган, яъни 2 фоиз қилиб белгиланган. Қизиқ, банк бошқарувчиси Д. Эргашев бундай саҳоватпешаликни қайси тамойилга асосланиб қилган экан?

Беихтиёр савол туғилади: банк тизимини ислоҳ қилиш учун қайси масалаларга эътиборни қаратиш керак? Аввало иқтисодиётга кредит маблағларини ишлатишдан кўзда тутилган мақсад моҳиятини англаб етиш лозим. Кредит банкдан маблағ олиб, ишлатиб, эртанги кунда қайтаришнинг иложини қилолмай чорасиз ўтириш учун берилмайди. Бу ҳақда сўз кетганда самарадорлик асосий мезон бўлиши зарур. Самарадорликка эса изланиш бор жойда эришилади. Бундан ташқари, кредитнинг кўплаб турлари бор, улардан ўз ўрнида фойдаланиш ҳақида ўйлаш даркор. Шулардан бири лизинг усулидир. Айтайлик, бир корхона маблағ тақчиллигидан қийналиб турибди, айни пайтда банк ҳисобида вақтинчалик бўш маблағ мавжуд. Ўша маблағ эвазига шартнома асосида техника сотиб олиниб, амалда ишлатилса, етиштирилган ҳосилдан хўжалик ҳам, банк ҳам наф кўради.

Ҳозир ўлкамизда айни пишиқчилик. Деҳқоннинг пешона тери эвазига етиштирилган ноз-неъматдан наф кўришнинг асосий йўли хомашёни қайта ишлашдир. Лекин қишлоқда маҳсулотларни қайта ишлайдиган қувватлар жуда кам. Маҳсулотларни қайта ишловчи мавжуд корхоналарнинг айланма маблағлари етишмайди. Агар ушбу масала ижобий ечимини топмаса, йўқотишлар ҳажми янада ортиши мумкин. Бундай шароитда акциядорлик-тижорат банклари тегишли ташкилотларга имтиёзли кредитлар беришса, айни муддао бўларди.

Қолаверса, банклар бозор иқтисодиёти қонунлари асосида ишлаши учун мижозлар томон юз буриши тақозо этилади. Улар ишбилармон ва тадбиркорларга манфаатдор шерик ва ҳамкор бўлиши керак.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
Раҳимжон АСЛОНОВ

«Келинлар қўзғолони» Америкада қўйилди

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад куни кеча Америка сафаридан қайтиб келди. Сафар боиси, океан ортидаги мамлакатда унинг машҳур «Келинлар қўзғолони» асари қўйилган эди. Муаллифнинг пьесаси Америка Қўшма Штатлари ва Канада яҳудийлари ташкил этган «Возрождение» («Уйғониш») театри жамоаси томонидан саҳналаштирилган.

Ёзувчининг сафардан қайтиши муносабати билан биз унинг Дўрмондаги дала ҳовлисига йўл олдик. Бир пиёла чой устида ширин суҳбат борарди. Муаллифнинг Америка ҳақидаги таассуротлари кўп:

25 июль куни «Келинлар қўзғолони»нинг кўриги бўлди. Тумонат одам йиғилган. Спектаклни Семён Аулов саҳналаштирган. Асарнинг энг асосий қаҳрамони Фармонбиби сиймосини Мира Аранбаева ижро этди. Бошқа ролларга ҳам актёрлар яхши танлаб олинган. Томошабинлар асарни яхши қабул этиб олишди десак хато бўлмас. Ҳар бир

кўриниш қарсаклар билан бўлиниб турди.

Саид Аҳмад ака бизга Америка матбуотида босилган мақолалар, хабарлар ва суратларни кўрсатди. Спектакль чоғида олинган суратлар алоҳида альбом қилиб муаллифга тақдим этилган.

«Келинлар қўзғолони» ёзилган видеокассета эса яқин кунлар ичида муаллифга юборилади.

Маълумотларга қараганда театр жамоаси «Келинлар қўзғолони» спектаклини яқин кунлар ичида Канада ва Исроилда кўрсатишни режалаштирган.

— Шу ёшда Америкага бораман деб ҳеч ўйламаган эдим, — дейди муаллиф биз билан суҳбатда. — Бу ҳам истиқлолимиз шарофати. Сафарим чоғида мени қувонтирган нарса шуки, америкаликларнинг Ўзбекистонга қизиқишлари жуда катта. Қисқа муддат ичида Ўзбекистонимиздаги иқтисодий, маънавий соҳадаги катта ўзгаришлар, ҳамма-ҳаммаси уларга маълум. Қаерга бормайлик, ким билан сўзлашмайлик, она диёримиз ҳақида ибратли фикрлар эшитдик, улар билан салом-алик қилишиб, қўлимизни олишга, сўзлашишга истаклари беқиёс.

Ҳа, азизлар, биз Ўзбекистонимиз билан фахрланса арзийди.

Мақсуд ҚОРИЕВ

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА 9

Телетомошабинлар диққатига!
Профилактика муносабати билан Душанба, 9 август куни «Ўзбекистон» 1 телеканали кўрсатувлари соат 6.30 дан 16.00 гача ЎзТВ-II «Ёшлар» телеканали орқали намойиш этилади.

ТV

16.00 «Нақадар тотли сўз «Озодлик». «Шерюрак». Бадиий фильм. 2-серия.
17.05 «Ифтихор».
17.20 «Бир наво истар кўнгил». Мусиқий дастур.
17.45 «Тошкент ва тошкентликлар».
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Фарзанд — умид юлдузи». Тележурнал.
18.25 «ТВ патруль».
18.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Шарқдан нур».
Н. Кубро.
19.00 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 23.15 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Бахмал». Манзарали фильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Истиқлол нашидаси».
21.15 «Тан олинаётган ҳақиқат». Публицистик кўрсатув.
21.45 Мукаррама Турғунбоева номидаги «Баҳор» рақс ансамблининг концерти.
22.15 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.20 «Ахборот».
23.50 «Маънавият» дастури.
00.50 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 71-қисм.
01.40-01.45 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома».
8.40 «Қуйлардан қўшиқларга».
9.05 «Узлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.35 «Бу ҳам кино». Телесериал. 7-серия.
10.00, 12.00, 14.00 Янгиликлар.
10.05 «Иқтисод ва биз».
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
10.30 «Сеними, шошмай тур». Мультсериал.
10.50 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
11.10 «Эрталар — яхшиликка етаклар».
12.05 «Шохруҳ» клуби.
12.35 «Санъат олами».
12.55 Ватан тимсоллари.
13.00 Дил тароналари.
13.35 «Баркамол авлод орзуси».
14.10 «Маслак ва мақсад».
14.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
15.05 «Оила». Тележурнал.
15.35 Ватан тимсоллари.
15.40 «Бу ажиб дунё».
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Ким эпчил-у, ким чаққон», Мульттомоша)
18.40 Ўктам Аҳмедов куйлайди.
18.55 «Истиқлол менинг тақдиримда».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Душанбада кўришгунча».
19.45, 20.35, 23.45 Эълонлар.
19.50 «Кавинтон Кросс». Телесериал.
20.40 «Жаҳон». Халқаро шарх.
20.55 «Ўзбекистон — Ватаним маним!». Кўшиқ танлови.
21.00 «Давр». Ахборот дастур.
21.30 «Муносабат».
21.55 «Сурур». Мусиқий дастур.
22.00 «Энг улуғ, энг азиз» танловига: «Буюк юрт фарзандиман».
22.20 «Ҳаёл».
22.40 «Маслаҳат».
23.10 «Олам футболи».
23.30 «Шарқ эстрадаси».
23.50 Синема. «Инспектор Морз».
01.35 «Хайрли тун!»

ТRV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.40 «Баҳодир Шоҳ Зафар». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Бурч ва маъсулият».
20.15 Телефакт.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Бумеранг».
21.45 «Спорт-тайм».
22.10 «Биз Сизга бахт тилаймиз».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Саргузашт фильмлар экрани.
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4ТV

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Дурдаршан».
16.00 «Севги йўлида». Телесериал.
17.00 «Мультчарҳпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Атиргул ғунчаси». 2-кисм.
Россия жамоат телевидениеси.
17.15 «Каламбур». Юмористик журнал.
17.50 Душанба куни Познер билан. «Никобдаги киши» дастури.
18.30 Андрей Миронов, Анатолий Папанов ва Ролан Биков «Ўн икки стул» фильмида. 1-серия.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 «Федерал полицияси». Телесериал.
21.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Дил изҳори».
21.30 «Спорт-клуб».
21.45 «Сиз кутган учрашув».
22.00 «Вести».
22.35 Киносеанс. «Судья Дредд». Бош ролда — С. Сталлоне. Бадиий фильм.
00.05 «Ахборот» (рус тилида)
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

Соат 15.00 га қадар профилактика.
15.05, 18.00, 19.50, 00.30 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
15.30 «Эсдалик учун дастхат». Мусиқий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «Эҳтиросларр асирлигида». Телесериал (Мексика).
17.35 «VIP» студиясининг меҳмони».
17.50 «Хит-коктейль».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Сенсиз яшай олмайман». Телесериал (Мексика).
19.25 Спорт шарҳи.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да киноокшом.
23.15 «Комиссар Лиа Зоммер». Телесериал (Германия).
24.00 «XL-music». Мусиқий-дам олиш дастури.

СЕШАНБА 10

ТV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Севги васфи». Мусиқий дастур.
9.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 71-кисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
10.25 «Сеними, шошмай тур». Мультсериал.
10.45 «Шоирлар — болаларга».
11.10 «Санъат ғунчалари».
11.40 «Ўзбекистон спортининг нуфузи».
11.55 Ватан тимсоллари.
12.05 «Таъсис» дастури намойиш этади: Табиат хавф остида туркумидан. «Гиппопотам».
12.35 «Барҳаёт наволар». Ўзбекистон халқ ҳофизи Муҳаммаджон Каримов.
13.25 «Ҳанда дўкони».
14.10 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
14.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Ватаним — лолазорим бор». Мусиқий дастур.
15.00 «Маънавият» дастури.
16.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига: «Эътироф».
16.20 «Жабрланувчиларнинг даъвоси йўқ». Бадиий фильм.
17.45 «Спорт-клуб».
18.10 «Инжиқ малика». Мультфильм.
18.20 «Кўзгу». Тележурнал.
18.45 1999 — Аёллар йили. «Шарқнинг машҳур аёллари».
19.05 «Тафтишми ёки таъма?»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Истиқлол фидойилари». «Фитрат» («Ўзкинохроника»).
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Истиқлол нашидаси».
21.15 «Энг улуғ,энг азиз» танловига. «Мулқдор».
21.35 «Санъатим — саодатим». Мусиқий дастур.
22.05 «Ўзлигинг намоён қил!». Экранда — Қашқадарё вилояти.
22.40 «Келин-куёв». Телешоу.
23.40 «Ахборот».
00.10 «Комиссар Берлохнинг сўнгги иши». Бадиий фильм.
01.50-01.55 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 71-қисм.
18.50 «Иссиккўл ороғмоҳлари».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
19.45, 20.40, 22.45 Эълонлар.
19.50 «Кавинтон Кросс». Телесериал.
20.45 Мустақиллигининг 8 йиллигига: «Ҳамкорлик».
20.55 «Истиқлолни куйлайман».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ўзбекистон — Ватаним маним!». Кўшиқ танлови.
21.35 Мустақилликнинг 8 йиллигига. «Дунёга йўл».
21.55 «02» тўлқинида.
22.10 «Сарвиноз». Мусиқий дастур.
22.25 «Ватан манзаралари».
22.40 «Ёшлар» телеканалида.
22.50 «Сиэтлдаги бедорлар». Мелодрама
00.40 «Янги тонг».

ТRV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Сен ҳақинда ва сен учун».
18.40 «Баҳодир шоҳ Зафар». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Ёшлар ҳудуди».
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Сухбатдош».
21.45 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
22.15 «Спорт оламида».
22.45 «Морена Клара» . Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ.
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4ТV

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «ТВ-4 да Немис тўлқини».
16.00 «Севги йўлида». Телесериал.
17.00 Мультчарҳпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. « Темир одам». 1-кисм.
17.15 «Бу ажиб дунё».
17.30 «Маски-шоу».
17.55 «Сиз кутган учрашув».
18.10 «Ўрлрднет» янгиликлари
Россия жамоат телевидениеси.
18.20 «Ўн икки стул». 4-серия (якунловчи)
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 «Федерал полицияси». Телесериал.
21.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Дил изҳори».
21.30 «СНН -шоу».
21.45 «Кино сайёраси».
22.00 «Вести».
22.35 Кинематограф. Д. Клуни «Кўздан йирок» фильмида.
00.35 «Ахборот» (рус тилида)
01.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.45, 18.00, 19.50, 00.30 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
10.30 «Морена Клара». Телесериал (Венесуэла).
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Кичик шаҳардаги дўзах». Телесериал (Мексика).
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 Мусиқий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «30-канал»да премьера. «Айбдорлик». Телесериал (Мексика).
17.35 «VIP» студиясининг меҳмони».
17.50 «Хит-коктейль».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Сенсиз яшай олмайман». Телесериал.
19.25 «Висол». Мусиқий дастур.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да киноокшом.
23.15 «Комиссар Лиа Зоммер». Телесериал.
24.00 «Мусиқий вернисаж». Мусиқий-дам олиш дастури.

ЧОРШАНБА 11

ТV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Ўмрбоқий тароналар».
9.15 «Ёшликми ёки бебошлик?»
9.35 «Бу ҳам кино». Телесериал. 8-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Номусли эл севинчи». Публицистик кўрсатув.
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
10.25 «Сеними, шошмай тур». Мультсериал.
10.45 «Севимли созим».
11.05 «Болаликнинг мовий осмони».
11.35 Ватан тимсоллари.
11.40 «Талаб ва таклиф».
12.05 «Таъсис» дастури намойиш этади: «Табиат хавф остида» туркумидан. «Азамат» лақабли Флорида коллони.
12.35 1999 — Аёллар йили. «Аёл қалби наволари». Мусиқий дастур.
13.00 «Қишлоқ стадионларида».
13.30 «Жавоҳирлар хазинаси». Адабий кўрсатув.
14.10 Кундузги сеанс. «Сўнгги пушаймон». Бадиий фильм.
15.25 «Юртим жамоли».
15.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. Телевизион фильмлар кўриги. «Алла».
16.00 «Зилол». Мусиқий дастур.
16.30 «Жаҳон спорти».
16.45 «Саҳна ҳаёти».
17.20 «Хамкорлик ришталари».
17.35 Ватан тимсоллари.
17.40 «Фермер». Телетанлов.
18.10 Болалар учун. «Гулғунчалар».
18.30 «Дастурхон нонга тўлсин».
18.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Ёруғ олам кўзгуси».
19.00 «Эл тинчлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 23.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таълим- тарбия миллий дастури амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Истиқлол нашидаси».
21.15 «Тараққиёт йўли».
21.35 «Қамбарнинг олтин сози». О. Худойшукуров хотирасига бағишланади.
«Умид» намойиш этади:
22.25 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Буюк келажак ёшлар қўлида».
23.30 «Ахборот».
24.00 «Ҳадислар ҳикмати». Теленовеллалар.
00.40 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 72-кисм.
01.30-01.35 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Спорт майдончаси», Мульттомоша).
18.40 «Семурғ». Ўсмирлар учун кўнгилочар дастури.
18.55 «Ёшлар» телеканалида.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Дил рози». Мусиқий дастур.
19.40 «Ракурс».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Лаззат».
20.30, 23.00 Эълонлар.
20.35 «Ўзбек мумтоз шеъриятидан».
20.40 «Каталог».
20.50 «Мусиқий лаҳзалар».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Менинг орзуим».
21.35 «Тиниқ осмон қалдиргочлари». Республика ёш иждодкорлари анжумани ҳақида.
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 Мустақилликнинг 8 йиллигига. «Эркин фикр».
22.20 Мусиқий лаҳзалар.
22.25 Мустақилликнинг 8 йиллигига. «Фидокор».
22.45 Танишинг: Ойбек Ҳамроқулов.
23.05 Синема. «Қонунсиз ҳукм». Детектив.
00.45 «Хит-коллекция».
01.05 «Хайрли тун!»

ТRV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Шаҳарлик фаришта». Телесериал.
19.15 «Сосийишталик фидойилари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.20 «Дўппи». Манзарали фильм.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Кўзгу». Тележурнал.
21.45 «Ҳайрли оқшаом».
22.15 Эстрада концерти.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ.
01.30 «Ҳайрли тун, шаҳрим!»

4ТV

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Мюзик-холл».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «Мультчарҳпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Жонли сув». 2-серия.
17.15 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
17.25 «Инсон ва қонун».
17.55 «Спорт-клуб».
18.10 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси.
18.15 «Ўн икки стул». 3-серия.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 «Федерал полицияси». Телесериал.
21.20 «Оламда нима гап?»
21.25 «Дил изҳори».
21.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Юртим».
22.00 «Вести».
22.35 «Оскар» мукофоти 1955 йил. Анна Маньяни «Муҳрланган атиргул» фильмида.
00.35 «Ахборот» (рус тилида)
01.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.45, 18.00, 19.50, 00.30 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
10.30 «Морена Клара». Телесериал.
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Кичик шаҳардаги дўзах». Телесериал.
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 Мусиқий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «Айбдорлик». Телесериал.
17.35 «VIP» студиясининг меҳмони».
17.50 «Хит-коктейль».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Сенсиз яшай олмайман». Телесериал.
19.25 Спорт шарҳи.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да киноокшом.
23.15 «Комиссар Лиа Зоммер». Телесериал.
24.00 «Интернет-кафе». Дам олиш дастури.

ПАЙШАНБА 12

ТV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Ойдиндир қўшиқнинг йўллари». Мусиқий дастур.
9.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 72-кисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Ибн Сино таълимоти.
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
10.25 «Сеними, шошмай тур». Мультсериал.
10.45 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
11.10 «Кувноқ стартлар». Телемусобақа.
11.40 «Ўзбекистон фуқароси».
12.05 «Таъсис» дастури намойиш этади. «Табиат хавф остида» туркумидан. «Қундузлар ва нефть».
12.35 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
13.00 «Эстрада тароналари».
13.30 Ватан тимсоллари.
13.35 «Инсон ва замин». Тележурнал.
14.10 Кундузги сеанс: «Семурғ». Бадиий фильм.
15.25 «Умидларнинг этагига осилиб». Тилак Жўра.
16.00 Женева конвенциялари қабул қилинганлигининг 50 йиллигига. «Қаҳр ва қадр». Ҳужжатли фильм.
16.10 «Спорт оламида».
16.25 «Кўксерик». Бадиий фильм.
18.10 «Орият шажараси».
18.25 «Истеъдод». Мусиқий дастур.
18.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Ўзбекистон — чет элликлар нигоҳида».
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00, 22.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига: «Истиқлол нашидаси».
21.15 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
21.50 «Шарқ тароналари».
II Халқаро мусиқа фестивали олдидан.
22.30 «Пахтакор -79» хотира турнирининг финал учрашувлари.
23.30 «Сомон йўли».

Кузатинг: Қуёш тутилади

Шу йил 11 августда табиатнинг энг ноёб ҳодисаларидан бири — Қуёшнинг тўла тутилиши асримизда сўнгги марта кузатилади. Ва бу ҳодиса сайёрамизнинг шимолий ярим шарида 2006 йилгача бошқа кузатилмайди. Ер атрофидаги ўз орбитасида ҳаракатланаётган Ой ўша куни Ер ва Қуёш оралиғидан ўтаётиб, Қуёш юзасини тўсиб қўяди. Тутилиш дунё вақти билан соат 9дан 30 минут ўтганда Атлантика океанидан, АҚШ ва Канада қирғоқларидан бошланади. Тўла тутилиш бошланишида Ой соясининг кенглиги 72 километргача бўлиб, унинг давомийлиги 55 секундни ташкил этади. 40 минут давомида соя Атлантика океанини босиб ўтади ва Буюк Британияни «ялаб» ўтиб, Франция ҳудудига тушади. Бу мамлакатнинг шимолий қисмида соя кенглиги 110 километргача етади. Унинг максимал фаза давомийлиги эса 2 минуту 15 секунд. Шундан сўнг, тутилиш йўл-йўлакай Бельгия, Люксембург давлатларидан ўтади, кейин Германияда кузатилади. Ер юзасида секундига 400 метрдан ортиқ тезлик билан ҳаракатланаётган соя кейинчалик Австрия, Венгрия, Югославия ва Руминия давлатлари чегараларидан ҳам ўтади. Бунда тутилишнинг юқори даражаси Руминия пойтахти — Бухарест яқинида бўлади ва унинг давомийлиги 2 минуту 27 секундгача боради. Бу пайтда соя кенглиги 116 километрни ташкил қилади. Шундан кейин соя Болгариядан, Қора денгиз ўртасидан ўтиб, Туркия, Сурия ва Ироққа тушади. Эроннинг марказий вилоятлари орқали Покистонга ва Ҳиндистоннинг марказий қисмига ўтади. Ниҳоят, XXI аср бошланишига бир ярим йилдан озроқ вақт қолганда бўладиган ва уч соатдан кўпроқ давом этадиган бу самовий «спектакль» Бенгалия қўлтиғидан чиқишда якунланади.

Қуёшнинг тўла тутилиши ниҳоятда қизиқарли ҳодисадир. Тўсатдан кун билан тун алмашинади. Тутилиш бошланишида Қуёш гардишининг ўнг томонида кемтик пайдо бўлади, бу қисман тутилишнинг бошланишидир. Борган сари кемтик катталаша боради. Осмон қоронғулашади, Қуёш ингичка ўроқ шаклига киради. Тахминан бир соатлардан кейин Қуёш юзаси бутунлай ёпилиб қолади. Осмонда ёруғ юлдузлар, сайёралар, баъзан кометалар ҳам кўринади. Қуёш турган жойда қумушранг олов тиллар — Қуёш тожи билан ўралган қора доира қолади. Орадан бир неча минут ўтгандан сўнг қора гардишнинг ўнг томонидан яна ёрқин Қуёш нурлари кўрина бошлайди. Осмонда худди бриллиант кўзли узук пайдо бўлгандай туюлади. Юлдузлар йўқолади, Қуёшнинг тўла тутилиши тугайди. Қуёш яна ўроқ шаклида кўрина бошлайди. Ўроқ катталаша бориб тахминан бир соатлардан кейин қисман тутилиш ҳам тугайди. Тутилиш пайтида ҳайвонлар, парранда ва бошқа жонзотларда кун билан тун фарқида адашиш юз беради. Масалан, тўла тутилиш тамом бўлгандан сўнг товуқлар тонг отди, деб ўйлаб тухум қўйиши, қушларнинг «тонгги» сайраши кузатилиши мумкин.

Қадим замонларда Қуёш тўла тутилиши фалокат аломати саналган. Шарқ мамлакатларида, хусусан, Хитойда, одамлар Қуёшни ёвуз аждаҳо юта бошлайди ва шу сабабдан тутилиш содир бўлади, деб ишонганлар. Коҳинлар аждарни қўрқитиб, ундан Қуёшни қутқариш учун турли хил дуолар ўқиганлар, одамлар эса майдонларга йиғилиб, турли хил темир идишларни тақиллатиб, дўмбира ва ноғоралар чалиб шовқин-сурон кўтарганлар. Тўла тутилиш тугагандан сўнг эса, улар «аждаҳонинг таслим бўлганига» ишониб, ҳурсандчилик қилганлар.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Улуғбек номидаги астрономия институти илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, физика-математика фанлари номзоди Собит Илёсов бу воқеликни қуйидагича шарҳлади.

Табиат ғаройиботлари

Инсоният тарихида Қуёш тўла тутилишини биринчи бор ўзида акс эттирган манба қадимги Хитой Шу Чинг салномасидир. Эрамиздан аввалги 2137 йилнинг 22 октябрида бўлиб ўтган Қуёш тутилиши манбаларда зикр этилган энг қадимгиси бўлиш билан бирга ўзининг қайғули томони билан ҳам ажралиб туради. Императорнинг шахсий мунажжимларидан Хи ва Хо ушбу тутилишни олдиндан айтиб бера олмаганлар (ўша вақтларда бу ҳақиқатан ҳам мумкин эмас эди) ва оқибатда аждаҳони «қўрқитиш» учун қилинадиган чора-тадбирлар ўтказилмай қолган. Император Чун Канча фармонига биноан бу икки мунажжимнинг бошлари танидан жудо этилган.

Қадимда одамлар Қуёш тутилишлари фақат янги ой кўринишидан олдин содир бўлишига эътибор берганлар. Фанда бу давр астрономик янги ой фазаси дейилиб, бу пайтда Ой Ер билан Қуёш орасидан ўтаётган бўлади ва маълум пайтларда Қуёш юзасини тўсиб қўяди. Ўлчамлари бўйича Қуёшдан бир неча юз марта кичик бўлган Ой қандай қилиб уни тўсиб қўйиши мумкин, деган савол туғилади. Албатта, агар бу икки осмон жисми биздан бир хил масофада бўлганида эди тўсиб қўйишнинг иложи бўлмаган бўлар эди. Лекин, Қуёш Ердан Ойга қараганда 400 марта узоқ масофада жойлашган, шу билан бирга Қуёш диаметри Ойникидан 400 марта каттадир. Бундай мутаносиблик оқибатида Ой ва Қуёшнинг осмондаги диаметрлари бир хил бўлиб кўринади ва Ой ўз ҳаракати давомида Қуёш юзасини тўсиб қўйиши мумкин.

Биз юқорида Қуёш тутилишлари янги ой фазасида содир бўлиши мумкин, деб айтдик. Бу фикрдан ҳар ойда тутилиш бўлиши мумкин, деган хулоса келиб чиқмайди. Нима учун? Гап шундаки, Ернинг Қуёш атрофидаги йиллик ҳаракати содир бўладиган текислик билан Ойнинг Ер атрофидаги ҳаракат текисликлари мос тушмайди. Улар бир-бирига нисбатан 5 градусли бурчак остида жойлашган. Ой ўз ҳаракатлари давомида Қуёшга нисбатан гоҳ юқорида, гоҳ пастда бўлади ва унинг сояси Ерга тушмайди. Бир йилда фақат икки мартагина Ой Ер орбитаси текислигини чиқиш ва ботиш тугунлари деб аталадиган нуқталарда кесиб ўтади. Ой айнан шу нуқталардагина Қуёш — Ер чизиғига яқин келади ва тутилишлар кузатилади. Агар бу пайтда Ой янги ой фазасида (бу пайтда у Қуёш билан Ер ўртасида) бўлса Қуёш тутилиши, тўлин ой фазасида бўлса (Ер Қуёш билан Ой ўртасида) Ой тутилиши кузатилади.

Календарь йилида иккитадан бештагача Қуёш тутилиши бўлиши мумкин. Ой тутилишлари эса йилига учтадан ошмайди ёки умуман бўлмаслиги ҳам мумкин. Тутилишларнинг табиати асосан Ой билан Ер ва Ер билан Ой орасидаги масофаларга боғлиқ. Маълумки, Ернинг Қуёш атрофидаги ва Ойнинг Ер атрофидаги ҳаракатлари эллиптик (чўзинчоқ) орбиталар йўналишида бўлади, шунинг учун бу осмон жисмлари орасидаги масофалар доимо ўзгариб туради.

Масофаларнинг ўзгаришига қараб, Қуёш тутилишлари қисман, тўла ва ҳалқасимон бўлади. Ҳар қандай тутилиш қисман тутилишдан бошланади ва тўла ёки халқасимон тутилиш билан тугайди. Шундай бўлиши ҳам мумкинки, Ер сиртининг ҳеч бир жойида тўла тутилиш ҳам, халқасимон тутилиш ҳам бўлмай фақат қисман тутилиш рўй бериши мумкин.

«Ўзбекистон овози» мухбири Алимқул СУЛТОНОВ ёзиб олди.

(Давоми бор)

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Ҳамид ИКРОМОВ, навбатчи Бобомурод РАЙИМОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ФАЙЗУЛЛАЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматда, 18.117 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0624

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.00
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Дил изҳори

Кўзимга нур, дилимга қувонч

Назаримда бу дунёни ўз кўзинг билан кўришдан зиёда бахт бўлмаса керак. 75 баҳорни қаршиладим. Елкамда ҳаёт қувончлари-ю ташвишлари бисёр. Номинг ўчгур уруш менда ҳам ўз асоратини қолдирди. Албатта, нолиш ношукурликдан нишона, буни гуноҳ дейдилар. Лекин, армоним шуки юртимизда мустақилликнинг сарчашмаларидан энди баҳраманд бўлаётган бир паллада кўзим кўрмай қолди. Ҳайтовур, Оллоҳга шукрлар бўлсин шифосини ҳам берди. Кўзимга қайта нур ато этилишида Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси кўз касалликлари бўлими мудири Тоҳиржон Ҳошимов билан «қўли енгил» деб ардоқланадиган Муҳаммаджон Тўраевлар жонимга оро киришди. Уларнинг сўз малҳами, ташҳису муолажалари туфайли яна кўра бошладим. Оқ халатли бу инсонларга чин дилдан миннатдорчилик билдиргим келади.

Кўзибой РАҲИМОВ, 1-гуруҳ уруш ногирони. Балиқчи тумани.

Адолатнинг оппоқ осмони

Хўш, аслида Каттақўрғонда қандай воқеа юз берганди. Ҳужжатларга мурожаат қиламиз. Каттақўрғон туманининг Кадан қишлоғида яшовчи Зумрад Орипова ва Эркин Қаюмовларнинг фарзанди етти ёшли Нозимжонни 1998 йил 22 ноябрь якшанба куни 14Д 6220 русумли оқ «Тико» машинаси уриб кетган. Йўл улов ҳодисаси туфайли Нозимжон вафот этган. Ушбу воқеа юзасидан мутасаддилар ўз вазифасини бажаришга киришган. Лекин жабрланувчи Зумрад Орипова уларнинг ишларидан қониқиш ҳосил қилмаган. Тергов жараёнлари тугаб жиноят иши Каттақўрғон туман судида 1999 йил 20 февраль куни кўриб чиқилган. Жиноятчига нисбатан ҳукм ўқилган. Шундан сўнг жабрланувчи З. Орипова «Ўзбекистон овози» газетасига шикоят мактуби ёзган. Тергов жараёнидан, терговчидан, прокурордан, суддан норозилиги ушбу хатда баён этилган. Ушбу шикоят хати юзасидан, газетада 1999 йил 22 июнь куни «Фарзанд ҳалок бўлди, она-чи?» номли мақола эълон қилинди. Каттақўрғон тумани маъмурий идора ходимлари газетамизда эълон қилинган мақолага эътироз билдиришди. Келинг яхшиси ҳужжатларга мурожаат қилайлик. 1998 йил 22 ноябрь куни юқоридаги йўл улов ҳодисаси юз берган. Ушбу воқеа юзасидан текшириш ўтказиш терговчи милиция капитани Қаҳрамон Назаров зиммасига юклатилган ва амалда бўлган қонунлар талаби асосида, воқеанинг эртаси куни яъни, 23 ноябрь куни Ўз.РЖКнинг 266-моддаси 2-қисми аломатлари билан 10635-сонли жиноят иши қўзғатилиб, тергов иш юритувига қабул қилинган.

Мақолага мурожаат қиламиз. «Мен 13 январь куни яна ариза билан туман прокурори Зоҳид Мухторовга мурожаат қилдим. У эса ишни муовини Камол Ишнаевга топширди. У ҳам бизнинг кўрсатмаларимизни хушламайгина тинглади. Фожиани кўрган гувоҳларни чақирмади ҳам. Шу билан иш яна тўхтади. Ноҳақсизликларга чидамай яна прокурорга ёзиб бордим. Ҳаммасидан ҳам, гаплари жон-жонимдан ўтиб кетди. «Ёзсанг ёзавер, ёзиб қаерга ҳам борардинг. Ёзиб-ёзиб охири бир кун чарчайсан. Ҳа, энди боланг ўлган бўлса унга ким айбдор? Ё сенга пул керакми-а? Нега бўлмаса олиб борган пули билан бугдойини олмадинг. Яна мени бошимни қотирасан?» деди у бамайлихотир». Ҳужжатларга мурожаат қиламиз. Ҳақиқатан ҳам жабрланувчи З. Орипова 1999 йил 13 январь куни прокурор З. Мухторов ҳузурига ариза билан киради. Ушбу шикоят хати шу куни туман прокуратурасида 8Ш-99-рақам билан қайд этилган. Ушбу ариза бўйича туман прокурори ўринбосари К. Ишнаев жиноят иши материалларини ўрганиб чиққан ва ариза муаллифига 15.01.99 йил жавоб берган.13 январь куни эса жиноятчи ушлаб туриш учун вақтинча сақлаш ҳибсхонасига жойлаштирилган. Прокурор З. Мухторов 1999 йил 15 январь куни жиноятчи К. Худойбердиевни қамоққа олишга рухсат берган. Биз прокурор қабулига кирувчилар қайд этиладиган дафтарни кўрганимизда З. Ориповани прокурор ҳузурига фақат бир марта 13 январь куни кирганлиги аниқланди. Барча ишлар қонун талаблари асосида олиб борилганку. Демак ўз-ўзидан юқоридаги гапларга ўрин қолмайди. Қонуний вазифасини бажараётган прокурор жабрланувчини қаноатлантирган. Биз жабрланувчи З. Орипова билан учрашганимизда у киши прокурор ҳузурига бир марта кирганлигини, мақолада ёзилган гапларни прокурор унга айтмаганлигини тан олди.

Фикр

Жиноят иши бўйича жабрланувчи деб топилган Абдураҳимов Нозимнинг отаси Қаюмов Эркин жиноят иши материаллари билан тўлиқ таништирилган.

Жиноят иши юзасидан айбланувчи К. Худойбердиевга нисбатан тузилган айблов хулосаси туман прокурори З. Мухторов томонидан 1999 йил 28 январь куни тасдиқланиб, жиноят иши туман судига кўриб чиқиш учун юборилган.

Жиноят иши Каттақўрғон туман судида 1999 йил 20 февраль куни кўрилган. Жиноят иши судда кўрилишида прокурор ваколатини туман прокурори ўринбосари К. Ишнаев таъминлаган.

К. Ишнаев судда судланувчи К.Н. Худойбердиевнинг айби тўлиғича исботланганлиги учун, уни Ўзбекстон Республикаси Жиноят Кодексининг 266-моддаси 2-қисми билан айбли деб топиб, унга ушбу модданинг 2-қисмига кўра, муайян ҳуқуқлардан, яъни транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан 3 йилга маҳрум қилиб, 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлаган ва жазони манзил колонияларда ўташни белгилаган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 1 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 6 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармонининг 6-моддаси «А» бандини қўллаб, тайинланган жазо ярмига қисқартирилган.

Ушбу ҳукм Самарқанд вилоят судининг Жиноят судлов ҳайъатида кўрилиб, ўзгартиришсиз қолдирилган ва ҳукм қонуний кучга кирган.

Биз ушбу ҳолат юзасидан Самарқанд вилояти прокуратураси судларда жиноий ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи адлия катта маслаҳатчиси Усмон Муродов билан учрашганимизда у киши Каттақўрғон туман прокурори З. Мухторов қонун доирасида иш олиб борганлигини тасдиқлади.

Адлия маслаҳатчиси З. Мухторов мақола хусусида қуйидагиларни гапирди: биз республикамизнинг обрўли отахон газетасида бизнинг юқоридаги иш юзасидан қонуний ҳаракат қилганимиз ҳақида адолатли сўз айтилишига ишонамиз. Ўшанда ўқувчи ҳар иккала фикрни ўқиб ҳақиқатни ўзи англаб олаверади.

Фарруҳ ҲАМРОЕВ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбири

Ғалаба билан қайтишди

Туркия пойтахтида Челленжер туркумига кирувчи йирик халқаро теннис турнири ўтказилди. Мусобақада моҳир спортчиларимиздан Олег Огородов, Дмитрий Томашевич, Вадим Куценколар иштирок этишди. Бу сафар Вадимнинг омади чопди. У дастлабки учрашувни Олег билан бошлаб (6:7, 7:5, 6:2), фин Томас Кетол, россиялик В. Волчковни догда қолдириб, ярим финалда даниялик Карлссенни мағлубиятга учратди. Финалда эса Жанубий Африка теннисчиси Невилла Годвинни 6:4, 7:6 ҳисобида ютиб, голиблик супасига кўтарилди. Жуфтлик баҳсларида Огородов япон теннисчиси Мотомура билан ҳамкорликни ўрнига қўйиб турнир ғолиби бўлди.

Турон ёшларини чорлаб

Халқаро олимпиада қўмитасининг президенти Хуан Антонио Самаранч таклифи билан Ўрта Осиё ўйинларига асос солинганди. Турон йигит-қизларининг ўзига хос йирик спорт анжумани дастлаб Тошкентда муваффақиятли ўтказилган. Кейин Алмати шаҳрида иккинчи марта мусобақа байроғи ҳилпиради. Шу кунларда эса Бишкек шаҳрида 1-7 октябрь кунлари ўтказиладиган спорт байрамига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Куни кеча республика миллий олимпиада қўмитасида уюштирилган матбуот йиғилишида спортчиларимизнинг тайёргарлиги ҳусусида фикр берди. Бу ҳақда қўмита президенти С. Рўзиев ахборот берди. Мусобақа эса спортнинг 12 тури бўйича ўтказилади.

Диққат!
«Очиқ тендер» савдосида қатнашинг!

Барча қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотларини, қурилиш материаллари ва жиҳозлари ишлаб чиқарадиган хусусий ва хорижий фирмаларни 1999 йилнинг 11 август куни соат 11.00 да Сурхондарё вилояти ҳокимлиги биносида бўлиб ўтадиган «ОЧИҚ ТЕНДЕР» савдосида қатнашишга таклиф этамиз!

Сиз ушбу савдода ўз ташкилотингиз ишлаб чиқараётган қурилиш материаллари ва жиҳозларини сотишингиз мумкин.

Ҳурматли тадбиркорлар, қурилиш материаллари ва жиҳозлари ишлаб чиқариш корхонаси эгалари! Шошилинг,

«Очиқ тендер»

савдосида қатнашиш учун аризалар қабул қилинмоқда!

«Очиқ тендер» савдосида қатнашиш учун аризалар топшириш ва бошқа қўшимча маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
Термиз шаҳри, Малик Қаҳҳор кўчаси 14-уй, 2-қават. Пудрат савдоларини ташкил этиш (Тендер) вилоят филиали. (мўлжал: вилоят Молия бошқармаси биноси рўпарасида).
Телефонлар: 2-75-01,2-75-04.

«Бинокор» ўйланмаси

Ҳурматли газетхонлар!
Аввал қуйида таърифланиб рақамларда ифодаланган сўзларни топиб очқични ҳал этинг.

1. Бинокорлик ашёси, қоришма - 9,8,12,4,1
2. Танаси қаттиқ, кесими кўркам дарахт - 10.16.9.
3. Ганчдан нақшлар ясовчи уста - 15. 6. 17. 7.4.5.
4. Ўсимликнинг нақш қисми кўринишларидан бири - 9.2.5.15
5. Маълум бир нарсанинг ўлчовли миқдори - 3.8,11.13.5
6. Симтўр қопланган гардишли анжом - 14.17.2.7.

Энди очқич жавоблари асосида шакл атрофидаги рақамларни таллуқли ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ечинг. Ундан ибратли сўзларни билиб оласиз.

Ўйланма. Энига:

2. Бинокорликда фойдаланиладиган ер кавловчи қурилма. 7. Қирра тишли асбоб. 8. Бинокорликда асосан тагсинч ўрнида ишлатиладиган танаси қаттиқ дарахт. 9. Уч томони берк олди очиқ хона. 11. Ранг-баранг шиша, мармар, тош каби ашёлар бир-бирига зич ҳолда ясалган деворий нақш. 12. Буюм сиртига сайқал беришда ишлатиладиган бўёқ. 16. Бухоролик таниқли ўзбек устоз ганч ўймакори. 18. Тешик ҳосил қилишда фойдаланиладиган қурилма. 19. Мих суғиришда ишлатиладиган асбоб. 20. Иш кийими. 24. Бинонинг ойна ўрнатиладиган қисми. 26. Безак ёки ўров учун ишлатиладиган юпқа металл вараги. 28. Бўлакларни бирлаштириб маҳкамлашда ишлатиладиган металл ашё. 31. Қолипдан турли нарсалар қуйиб чиқаришда ишлатиладиган мумсимон ашё. 32. Бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва безатиш санъати.

Бўйига: 1. Бинонинг олд томони. 2. Ҳашаматли кўркам бино. 3. Эшик, деворнинг зиҳи. 4. Хонанинг сатҳ қисми. 5. Бинонинг олд томонидаги пештоқ ва устунлар билан безатилган кўркам қисми. 6. Девор ёки шипнинг суратли, нақшинкор қисми. 10. Ўрта Осиё меъморчилигига хос иморатнинг иккинчи қавати. 13. Ерни суриш ва текислашда ишлатиладиган техника. 14. Таниқли ўзбек меъмори. 15. Бинони иситиш асбоби. 17. Ёғочсоз ҳунарманд . 21. Бинокорликда ишлатиладиган табиий ашё. 22. Ёқилғи тури. 23. Мозийдан қолган меъморлик ёдгорлиги. 25. Эшикнинг остки кўндаланг қисми. 27. Сувоқчилик анжоми. 29. Бино тўсинлари остидан кўндалангига қўйиладиган узун асосий ёғоч. 30. Механик зина.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

«Ёз» ўйланмаси жавоблари

Белгиланган хонадан соат миллари йўналишида рақам атрофига:

1. Оқтош, 2. Қовун, 3. Чимён. 4. Чашма. 5. Анжир. 6. Кумри. 7. Карам. 8. Мироб. 9. Дамба. 10. Ўрдак. 11. Шўрва. 12. «Роҳат». 13. Довон. 14. Шотут. 15. Терак. 16. Иҳота.

Ҳикмат: Қуёш нури — даво дори

Муаммонома

Очқич сўзлар: 1. Саратон. 2. Оқшом. 3. Гужум. 4. Мехр. 5. Оқизоқ. 6. Айрон. 7. Ёз. 8. Бедана. 9. Соя. 10. Чарос. 11. Ғарам

Ҳикмат: Қишда яшай деган беғаму, беранж, емиш учун тортсин ёзда меҳнат, ранж.



Муҳтарам фуқаролар!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки Бошқаруви Халқ банки томонидан муомалага чиқарилган «Омадли инсон» лаҳзали пул-буюм ютуқли лотереяси сотиб тугалланганлиги муносабати билан ютуқли лотерея билетларини тўловга қабул қилиш муддати лотереянинг «Шарт ва қоидалари»га асосан 1999 йилнинг 5 декабригача белгиланганлигини маълум қилади. Ушбу муддат тугагандан сўнг ютуқли лотерея билетлари ўз кучини йўқотади ва тўловга қабул қилинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки Бошқаруви

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги «Илғор-Е» фирмаси ТУГАТИЛАДИ
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида 41-00-84 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти ва партиянинг республика парламентидаги фракцияси «Ўзбекмебель» давлат-акциядорлик жамияти бошқарувининг раиси, Олий Мажлис депутати Алижон Элчибоевич Қирғизбоевга укаси Валижон ҚИРҒИЗБОЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!
Реклама ва эълонлар учун телефонлар:
«Ўзбекистон овози» — 133-47-80, 133-38-55
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,